

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ Б.Ж.

**МУСТАҚИЛЛИК ТАФАККУРИ – КЕЛАЖАК
ПОЙДЕВОРИ**

У С Л У Б И Й К Ў Р С А Т М А

Б У Х О Р О - 2 0 1 7

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Ташқи тақризчи:

Ш.Ш.Олимов, п.ф.д., профессор

Услубий кўрсатма педагогика кафедрасининг 2017 йил ___ “_____”

№__-сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия берилган.

Университет ижтимоий кенгashiда тасдиқланган __ баён «__» ____ 2017 й.

Университет услубий кенгashiда тасдиқланган __ баён «__» ____ 2017 й.

Ушбу услубий кўрсатма "Педагогика" фани бўйича амалдаги дастур ва тавсиялар асосида тузилган. Кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлигининг ҳозирги талабларига жавоб беради. "Педагогика" фани бўйича дастур, ўкув услубий қўлланмалар ва адабиётлар етарли эмаслиги хисобга олинниб, махсус сиртқи бўлими талабаларига ёрдам тариқасида ёзилди.

МУНДАРИЖА:

- 1. Мустақиллик тафаккури – мамлакат келажагининг пойдевори**
- 2. Ўзбекистон мустақиллиги ва мафкуравий муаммолар**
- 3. Маънавий ва ахлоқий қадриятлар – мустақиллик тафаккурининг асосий негизи**
- 4. Ёшлар ва мустақиллик тафаккури**
- 5. Мустақиллик тафаккури асосида таълим мазмунини такомиллаштириш**
- 6. Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида мустақиллик тафаккурини шакллантириш**
- 7. Ислом таълимоти асосида мустақиллик тафаккурини такомиллаштириш**
- 8. Олий ўқув юрти, оила ва кенг жамоатчилик асосида талаба ёшларда мустақиллик тафаккурини шакллантиришнинг асосий йўналишлари**
- 9. Мустақиллик тафаккури – бу халқнинг, миллатнинг буюк эътиқодидир**

1. Мустақиллик тафаккури – мамлакат келажагининг пойдевори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида энг муҳим вазифалардан бири ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, жисмонан соғлом, руҳан ва интеллектуал ривожланган мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий назарга эга, Ватанга содик ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масаласига маҳсус эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 14 сентябрда имзоланган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни ҳамда 2017 йил 30 июнда “Жисмоний ва маънавий етук ёшлар-эзгу мақсадларимизга етишга таянчимиз ва суюнчимиз” мавзуидаги нутқи мустақиллик тафаккурини мустаҳкамлаш асосидир.

Мустақиллик йилларида туғилган ва таълим олаётган ёшлар онгida мустақиллик тафаккури шаклланмоқда. Шўролар истибоди даврида таълим олган ёши улуғлар ҳам аввалги мафкуравий юклардан қутилиб янгича тафаккур қиласидиган бўлдилар. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев мустақиллик тафаккурини янада теранлашуви, ёшларимиз камолоти масалаларига чуқур эътибор бермоқдалар.

Жамиятга тоза ҳаво олиб кираётган президентимиз Шавкат Миронович Мирзиёев 11 йиллик ўрта таълимни қайта жорий қилишни таклиф қилганлар, ушбу жараёнда узлуксиз таълимдаги янгиланишларга ҳам эътибо қаратаяптилар. 11 йиллик мактабнинг афзал томонларини эътироф этган ҳолда коллажлар фаолиятини ҳам сақлаб қолиш зарур ва шарт, чунки 11 йиллик мактабни тамомлаган битирувчиларнинг олий таълим масалаларига қабул қилинмаган қисми албатта коллажлар томонидан қамраб олиниши кераклиги ҳам диққат марказида турибди.

Президент Ш.М.Мирзиёев мактабгача таълим, 11 йиллик таълим тизимиға халқнинг талаб ва таклифларини инобатга олиб ижобий янгиликларни жорий этмоқдалар. Бу масалага оид қатор қарорлар чиқди.

Инсоният тамаддунига назар ташласақ, йигирма бир асрлик тараққиёти давомида минглаб илмий кашфиётлар ва ихтиrolарнинг гувоҳи бўламиз. Лекин уларнинг ижодкори бўлган комил инсон ва баркамол авлод орзуси ҳамма замонларда ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас. Айниқса, биринчи президентимизнинг мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонда камол топаётган ёшларга қарата “Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, ақлли, доно ва албатта баҳтли бўлишлари шарт!” деган фикрлари баркамол авлод масаласига алоҳида эътибор ва буюк келажакка ишонч намунасиdir.

Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида таъкидлаб айтилган: “Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил - бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиkdir. Таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди”.

Баркамол шахсни шакллантиришнинг муҳим воситаси – бу мустақиллик тафаккури ҳисобланади. Шунинг учун ҳам баркамол авлод шахсида миллий онг, миллий ғурур, ўз - ўзини англаш туйғуси, ўз Ватани ва халқи билан фаҳрланиш ҳислари, миллий қадр - қиммат масъулияти, ватанпарварлик ва халқпарварлик фазилатларини шакллантириш муҳимдир. Мустақиллик тафаккури - фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, у маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришни тақозо қиласи. Бугунги кунда мустақиллик тафаккури жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ, маърифат каби қадриятлар турмоғи керак. Чунки мустақиллик тафаккури Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштиришда ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда, инсон ҳақ-хуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда асосий

омил ҳисобланади. Мустақил тафаккурга эга бўлган шахс баркамол инсон бўлиб, у миллий истиқлол ғояларига садоқатли бўлиш баробарида она-Ватанга чексиз меҳр-мухаббатли, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш каби энг олийжаноб ишларда фаол қатнашади.

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримовнинг таъкидлашича «Биз учун мустақиллик – энг аввало, ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда ҳар бир хонадонда тинчлик, осойишталикни, барқарорликни саклашдир. Азиз Ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру оқибатни қарор топтиришдир¹».

И.А.Каримовнинг ушбу фикрлари халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида мустақилликка тўла эришиш, миллий ва маънавий қадриятларни тўла тиклаш, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мустақил жамият ва тараққиёт учун хизмат қилиш каби вазифаларни амалга оширишни тақозо қиласди. Албатта буларни амалга ошириш учун Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро, айниқса, талаба-ёшларда мустақиллик тафаккурини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик тафаккурининг инсон қалбида қарор топиши учун ҳар бир фуқаро мустақилликни ҳис этиши, қалбан ва вижданан, **ақл ва қўл** билан меҳнат қилиши керак. У(**нима**) инсонга барқарор ҳаёт бағишлади, унинг(**ким**) қарашлари ва меҳнати Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Президент Ш.Мирзиёев нутқларида мустақиллик тафаккурининг жамият, давлат ва миллат билан узвий алоқадорлигига эътибор берилган. Инсон ва жамият бир-бирини бойитади ва тўлдиради. Инсоннинг мустақиллик тафаккури миллат, давлат ва жамиятнинг таркибий қисмидир. У жамиятда мавжуд бўлган кўп қиррали муносабатлар, шарт-шароит ва имкониятлар асосида шаклланади ва камол топади. Миллат, давлат ва жамият тараққиёти эса инсоннинг мустақиллик тафаккурига асосланади.

Инсон тафаккурининг моҳияти ақлий, ахлоқий, илмий, амалий, мафкуравий ғоялар билан узвий боғланган. Бугунги кунда ватанпаварлик, миллатпарварлик, миллий ифтихор туйғулари, она тилига ҳурмат, табиатни муҳофаза этиш, ҳар

1 Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б 283.

қандай шароитда она – юрт манфаатини химоя қилиш, давлатимиз мустақиллигини кўллаб-куватлаш, шарқона урф-одатларимизга, қонунларимизга, миллий қадриятларимизга ҳурмат билан қараш каби хислатларнинг ҳаммаси мустақиллик тафаккури билан боғлиқдир.

Бу эса кишиларда мустақиллик тафаккурини шакллантиришнинг манбай ҳисобланади. Чунки мустақиллик тафаккури шаклланмаган кишилар орқали моддий фаровонликка ҳам, умумтараққиётга эришиб бўлмайди, маънавий қашшоқлик миллий таназзулга олиб боради.

Бугунги Ўзбекистонга қўпроқ маънавий баркамол, жисмонан соғлом, фидойи, мустақиллик тафаккурига эга бўлган кадрлар зарур. Тафаккур заифлиги, [сўқирлик](#) - хурофот, жоҳиллик натижасидир. Жоҳил киши матонатли, адолатли, ватанга содик, фидойи инсон бўла олмайди. Инсон ўзида пайдо бўлган камчилик ва нуқсонларни ватанга, халқига астойдил хизмат қилиб тузатиши мумкин. Мустақил юртимизга ташаббускор, курашчан, маънавияти юксак, мустақил тафаккурли, баркамол инсонлар керак.

Шундай экан, фуқароларнинг мустақиллик тафаккурини шакллантиришнинг маънавий-маърифий негизларини мустаҳкамлаш мақсадида қўйидаги вазифаларни бажариш муҳим аҳамиятга эга.

- мустақиллик тафаккурини эркин, соғлом рақобат асосида ривожланишига кўмаклашиш, миллий истиқлол ғоясига ахборот хуружи уюштиришга ва таъсир ўтказишга йўл қўймаслик;
- оммавий ахборот воситаларининг инсонларда мустақиллик тафаккурини шакллантириш ишларини тарғиб қилиш фаолиятини янада яхшилаш ва имкониятларини кенгайтириш;
- ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа барча муассасаларда мустақиллик тафаккурига доир маъruzалар уюштириш;
- жамоатчилик ўртасида мустақиллик тафаккурини шакллантиришга бағишлиланган мунозаралар ташкил этиш;
- талабаларга мустақилликнинг тарихий илдизлари, назарий ва амалий ўйналишлари ҳақида тушунча бериш;
- миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини моҳиятини талабалар онги ва қалбига сингдириш учун ташвиқот ишларини олиб бориш;

- миллий истиқтол мафкурасини мустаҳкамлашга, Ватанга, бошқа мамлакат халқларига бўлган дўстона муносабатни шакллантириш;
- миллат, Ватан, халқ истиқболи деган муқаддас тушунчаларни талабалар онгига сингдириш;
- мустақиллик тафаккурни ривожлантириш;
- соғлом авлод баркамоллигини таъминлашда оиланинг бурч ва масъулиятини ошириш;
- талабаларда мустақиллик тафаккурини шакллантиришга доир тадбирлар, кечалар ўтказиб бориш;
- ўзининг вазифалари ва бурчига масъулиятли бўлишни тарбиялаш;
- миллий байрамлар ва маънавий қадриятларга хурмат билан қараш;
- табиатга ва шахсий нарсаларга эҳтиёткорлик, ўзига ва одамларга хурмат билан муносабатда бўлиш;
- ўқув юртларида маънавий ва маърифий ишларни ривожлантириш ва такомиллаштириш.

Ушбу масалаларнинг ҳар томонлама амалга оширилиши инсон ҳаётининг ҳамма қирраларини ижтимоий тараққиёт жараёни билан уйғунлаштиришда катта аҳамият касб этади. Талабаларнинг шахси юксак маънавият, соҳиби бўлишлари жамиятнинг юксалишида энг муҳим омилdir.

2. Ўзбекистон мустақиллиги ва мафкуравий муаммолар

Глобаллашувнинг бугунги кунда яна ҳам кенг миқёсда авж олиши шароитида таълим ва тарбия уйғунлигини таъминлаш долзарб вазифа даражасига айланди. Чунки, агар таълим-тарбиядан ажralган ҳолда, яъни ёшларга фақат билим бериш билан чекланадиган бўлсак, улар ана шу билимларни эгаллашлари мумкин, аммо уларда бугун учун ўта муҳим бўлган ватанпарварлик, миллатпарварлик, ота-она, маҳалла-куй олдида масъулият каби қадриятлардан бебаҳра бўлиб қоладилар. Бундай ҳолатнинг юзага келиши эса истиқболда мамлакат тараққиёти ва шахс камолоти учун салбий заминларнинг шаклланишига олиб келиши мумкин.

Бундай жараённинг бугун дунёning юксак иқтисодий **тараққийга** эришган мамлакатлар тажрибаларида содир бўлаётганлиги ҳақида матбуотларда кўплаб

хабарлар берилаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Иқтисодий юксакликка эришиш ҳали бу тараққиётнинг мезони бўла олмайди. Чунки, куни келиб маънавий қашшоқлик иқтисодиётнинг ҳам “ичдан”, ҳам “ташқарисидан” емирилишига олиб келади. Бунинг олдини олишнинг асосий омилини таълим ва тарбияни узвий равишда олиб бориш ташкил қиласди. Бугунги кунда таълим ва тарбияни узвий тарзда олиб боришда уларнинг самарадорлигини ошириб бориш, янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланишга эътибор бериш талаб этилмоқда.

Тарбия билан таълимни узвий равишда олиб боришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Чунки, ана шу фанлар дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришда етакчилик қиласдилар. Улар ўқувчи, талаба ва бутун таълим тизимидағи ёшлар нафақат онги, тафаккурини ривожлантиради, шунинг билан бирга уларнинг маънавиятини ҳам бойитади. Ватан ва миллат тақдиди, унинг истиқболи учун масъуллик туйғуларини шакллантириб боради. «Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир»².

Демак, шахс маънавиятини шакллантириш ва бойитиш бугун бутун таълим тизимида фаолият олиб бораётган тарбиячилардан чуқур билимга эга бўлишни ва ёшлар ўртасида таълим ва тарбияни узвий равишда олиб бориш салоҳияти ҳамда юксак маънавиятга эга бўлишни талаб этади. Бугун олдимизга қўйилган юксак маънавиятли шахсни тарбиялаш мамлакатимиз тараққиёти ва унинг интеллектуал имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Бу вазифани амалга оширишда таълим тизимининг мавжуд имкониятларидан кенг фойдаланиш долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

Хулоса қилиб айтганда, маънавий таълим-тарбия бугунги куннинг энг долзарб масаласи. Биринчи президент И.Каримов таъкидлаганидек, “...ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оиласпарварлиги билан ажралиб туради. Албатта фарзандга меҳр қўйиш, уларни қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, аҳлоқ-одоб, юксак

² Баркамол авлод орзузи. – Т.: «Шарқ», 1999. – Б. 10.

маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган”³. Бу ишга юртимизнинг барча зиёлилари – ўқитувчилар, журналистлар, ёзувчилар, врачлар, барча раҳбарлар бирдек масъулдирлар. Мамлакатимизда таълим-тарбияни ҳозирги замон талаблари даражасида олиб боришида мавжуд барча имкониятлар ва воситалардан самарали фойдаланганимиздагина маънавияти юксак баркамол ёшларни тарбиялашга эришиш мумкин бўлади. «Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиширишга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир»⁴.

Жисмонан тўқис улғайиб келаётган наслларимизни маънан етук ворислар қилиб тарбиялаш ҳам жуда муҳим ва мураккаб жараён. Дунё миқёсида глобаллашув жараёни шиддат билан кечаётган ҳозирги даврда ёшлар маънавиятини тўқис шакллантириш учун, аввало улар руҳиятида миллий менталитетимизга ёт урф-одатларга, ахлоққа зид ҳаракатларга қарши “иммунитет” ни шакллантириш зарур бўлади. Ёшлар тажрибасиз ва қизиқувчанлиги боис, ташки таъсирга тез бериувчан бўлишади. Ўзи учун янги ва нотаниш қилиқларни тез ўзлаштириб олишади.

Илгарилари ёшларнинг дунёқараси ва ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари асосан ота-онаси, маҳалла-қўй ҳамда устозларининг беминнат кўмагида шаклланган бўлса, бугун уларнинг онгу шуурига таъсир кўрсатувчи ахборот воситалари ҳар қачонгидан кўпайган. Албатта, ахборот майдони кенгайгани яхши. Танлаш имконияти юзага келади. Аммо аҳолининг вояга етмаган қисми ўзи учун зарур ва фойдали ахборотни танлаб олишда адашиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Янги аср мўъжизаси сифатида этилаётган интернет тармоғи дунё ҳалқлари учун катта имкониятлар эшигини очди. Интернетдаги каби ахборот кўлами бошқа бирон ахборот манбаида мавжуд эмас. Ҳозирда ушбу тармоқ арzon ва қулай ахборот манбаи сифатида беминнат кўмакчимизга айланган. Интернетда ахборот кўлами шу қадар каттаки, бу тармоқдан фойдаланишда танлаш, саралаш эҳтиёжини юзага келтирмоқда. Аммо ёш авлод ҳамма вақт ҳам бунинг уддасидан чиқолмаяпти. Оқибатда айрим ҳолларда интернет ахлоққа зид “одат”лар оммавий

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б 55.

⁴ Баркамол авлод орзузи. – Т.: «Шарқ», 1999. – Б. 8.

маданият тарғиботчисига айланиб қолмоқда. Шундай экан, ёшларнинг интернет билан алоқасини тартибга солиб, катталар назоратида амалга ошириш фойдадан холи бўлмас.

Назаримизда, бу ишни интернетдан фойдаланиш вақтини чеклашдан бошлаган маъқул. Интернет оҳанрабоси туфайли реал ҳаётдан узоқлашиб қолаётган ёшлар рухиятида содир бўлаётган ўзгаришлар, йўқотишларни хориж тажрибаси мисолида кўриб турибмиз. Интернет кафеларда бизнинг айрим ёшларимиз ҳам олтинга тенг вақтини йўқотишмоқда. Уларда автомобил пойгаси ўйнаётган, бир неча кучли қуролланган амакиларнинг “қонини тўкаётган” болакайларимиз соатлаб жанг тафсилотларини унута олишмаяпти. Ўзларининг жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш кўникмасидан мосуво бўлишмоқда. Бундай палапартиш ва ғўр тасаввур ҳамда таассуротлар вояга етмаган шахснинг рухиятида бирон қусур қолдириши, бу бора - бора нуқсонга айланиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Интернет дунё ичидаи дунёга айланиб улгурган. Ўсиб келаётган ёш авлодни виртуал дунё хаёлпарастлигидан сақлаб қолишимиз зарур.

Уяли алоқа тармоғи ҳам мамлакатимизда тез суъратларда ривожланиб келмоқда. Биз МДҲ давлатлари ичida мобил алоқадан фойдаланиш кўлами бўйича пешқадамларданмиз. Бу ҳам тараққиёт ва юксалиш белгиси. Дилни хира қиласидан томони шундаки, ушбу алоқа туридан фойдаланувчилар ичida мактаб ва коллеж ўқувчилари сони кўпайиб бормоқда. Ўқувчига телефон зарурми? Назаримда, бунга бирон жиддий зарурат мавжуд эмас. Ота-онанинг фарзанди инжиқликларига батамом таслим бўлиши ёки ортиқча эътибори, айни пайтда, айрим устоз-мураббийларнинг эътиборсизлиги туфайли мактаб ўқувчилари орасида телефон кўтариш урф бўлиб бормоқда. Уяли телефон аппаратларининг видео, аудио ёзиш, суратга олиш имкониятлари туфайли ўқувчи учун телефон алоқа воситаси эмас, кўнгилхушловчи воситага айланиб қолмоқда. Дарс пайтида смс ёзаётган, турли ўйинлар билан машғул бўлиб, хориж мусиқасини тинглашга тобора кўнишиб бораётган ўқувчи устоз сабоқларини яхши ўзлаштириб олишига шубҳа қиласман. Мактаб ўқувчисининг уяли алоқа воситаси билан мактабга бориши, умуман уяли алоқа воситасидан фойдаланишини тартибга солиш мавриди келди. Назаримда, мактаб ҳудудида мобил алоқа воситасидан фойланиш, эҳтимол мактабга мобил

алоқа воситаси билан киришни таъқиқлаш зарурдир. Миллий қонунчилигимизга шундай норма киритилса айни муддао бўларди.

Ана шунда суюгидан олдин бети қотадиган эмас, ота-она, устоз, ёру биродарининг қадрини биладиган, элни севиб, юрт учун ғамхўрлик қилишга қодир, бир сўз билан айтганда, келажак учун масъулиятни зиммасига оладиган авлод вояга етишиши шубҳасиз.

Жамият ўзи учун қадрли ҳисобланган ҳодиса ва нарсаларни қадрият, мерос сифатида сақлаб авлодларга етказган, авлодлар ҳам ўз навбатида уни янги жиҳатлар билан бойитган, тўлдирган ҳаётлари учун муҳим томонларни сақлаб қолган ва авлодларга қадрият, мерос сифатида етказиб беришган. Шу тариқа инсоният ўзи яшаётган муҳитдан, шарт-шароитдан келиб чиқкан ҳолда табиий ва ўзлари киритган қонун-коида, урф-одат, анъаналар асосида маънавиятини бойитган. Биринчи президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек “Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз эса, бундай улуғ зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намоёндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларининг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборатдир”⁵.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ҳамда таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соғ ва покиза туйғулари, биринчи галда, оила бағрида шаклланади. Оила ва никоҳга оид маънавий меросимизни ўрганиб ёшларга тарғиб этиш ҳам долзарб мақсад. Бу масала нақшбандия тариқатининг назариётчиси Махдуми Аъзамнинг “Асрору-н-никоҳ”⁶ (Никоҳ сирлари) асарида ҳам яққол кўзга ташланади.

Мутасаввиф рисолада никоҳ эру хотин орасидаги бир илоҳий боғланиш эканлиги, шунинг учун ҳам унинг қонун-коидаларига риоя этиш зарурлиги ҳақида сўз юритилиб, сўнг никоҳнинг аҳкомлари баён этилади. Унда никоҳдан олдинги ва кейинги ички ва ташқи покликнинг сиру-асрорлари оят ва ҳадислар асосида тасаввуфий ғоялар билан очиб берилади.

⁵ Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 44.

⁶ Хожагий Аҳмад Косоний. Асрору-н-никоҳ. Кўлёзма. Ўз.Р.Ф.А. Шарқшунослик институти. № 501/ I.10.в.

Биринчи президентимиз Ислом Каримов: “бу ёруғ дунёда хаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди”⁷- деб таъкидлаганлар. Дарҳақиқат, оила жамиятга юксак маънавиятли шахсларни етказиб берадиган даргоҳдир. Шундай экан, боланинг тўғри тарбия топиши, илм-маърифатли бўлиб етишиши бевосита ота-онага боғлиқдир. Агар ота-она фарзанди олдидағи вазифаларини уларни амалга оширишга ҳаракат қилса, у жамиятга нафи тегадиган фарзандларнинг камол топишига сабабчи бўлади.

Махдуми Аъзам фикрича, эр-хотин мушкулотлардан иборат бўлган ҳаёт сафарида бирга ҳамнафас бўлиб жисмоний ва руҳий осойишталикка шерик, инсоний-оилавий бурчларини бажаришда бир-бирларига дастёр, қайғу ва умидсизлик дамларида ғамхўр, саодат ва баҳтиёрлик чоғида бир-бирларига ҳамдам бўлишлари лозим.

Бутун мавжудот илоҳий низомга кўра ваҳдат, яъни бирликка интилади. Мавжудотлар орасидаги энг мукаммали эса инсон. Уларнинг ўзаро муносабати ҳам шунга кўра баркамоллик касб этади. Махдуми Аъзамнинг “Асрору-н-никоҳ” рисоласидан қуидагича хулоса қилишимиз мумкин:

- Никоҳ ва оила эр-хотиннинг ихтиёрий йўл билан тузилган иттифоқи - бирлиги бўлиб у ибодатларнинг бир туридир;
- Никоҳдан мақсад инсон зурриёдини қўпайтириш, ота-онага ва халқقا манфаат келтирувчи фарзандларни тарбиялашдир;
- Никоҳнинг асосий сирри қонуний, ҳуқуқий асосда тузилган йўл билан солих фарзандларни дунёга келтириш ва улар орқали хайрли ишларни амалга ошириш ҳамда шу йўл билан икки дунё саодатига эришмоқликдир;
- Ҳуқуқий асосли никоҳ билан тузилган оиласда эркакларнинг ўз аҳли аёлларига, жуфт ҳалолларига меҳр-муҳаббатли, эҳсонли, илтифотли бўлиши ҳақиқатга етишмоқликнинг йўлларидан биридир.

Мутасаввиғнинг ушбу пурмаъно ғоялари ҳозирги кунда долзарб бўлиб тураётган оилавий ҳаёт масалалари, ёш авлод онгига соғлом турмуш тарзи,

⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.56.

шарқона ахлоқ-одоб меъёрларини амалда қўллашда ҳамда баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Хулоса қилиб президентимизнинг қуидаги фикрини келтирамиз: Ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир. Президентимиз Ш.Мирзиёев “Ўз болангни ўзинг асра” деган шиорлари шарқона оилада асосий қадрият бўлган фарзандларимиз ҳақиқий инсон бўлиб камол топишига ёрдам беради.

3. Маънавий ва ахлоқий қадриятлар – мустақиллик тафаккурининг асосий негизи

Ҳар бир инсон фарзандининг соғлом, ақлли, одбли, ҳурмат – иззатга муносиб инсон бўлиб етишишини хоҳлайди. Бу нафақат ота – онанинг, балки жамиятнинг ҳам хоҳиш-истаги. Негаки, жамиятга баркамол авлод керак. Ҳар қайси давлат наинки табиий замини, ер ости ва ер усти заҳиралари, ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки юксак маънавиятли инсонлари билан қудратлидир.

“Баркамол авлод” тушунчаси мазмун моҳиятига келсақ, бу қадимдан мавжуд муаммо. Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Исмоил Бухорий, Алишер Навоий, Абдулқодир Бедил, Ҳусайн Воиз Кошифий сингари буюк алломаларнинг илмий – фалсафий асарларида баркамол инсоннинг умумий хислатлари, фазилатлари ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуаси, шарқона ахлоқ Кодекси ишлаб чиқилганлигини кўрамиз. Инсон шунчалик улуғлиги, буюк ақл – заковати билан мўъжизалар яратишга қодир бўлган ҳолда яна нима сабабдан тубан ишларга қўл уради, ҳирсу – нафс домига тушиб ўзини хароб этади, - деган саволлар шарқ фозилу – фузалоларининг қалбини безовта қилган. Баркамол авлод иборасининг луғавий маъноси бу – жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолга етган, ҳар томонлама етук деган маънони англалади.

Онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ – атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни комил инсон ҳисоблаганлар. Баркамол авлод деганда кўз ўнгимизда мукаммал тарбия кўрган, ростгўй, бағрикенг, саховатли, меҳр – муруватли одам намоён бўлади. Бундай одамлар

маданиятли бўлади, ҳамиша лафзида турди, ваъдасига вафо қиласи, омонатга хиёнат қилмайди, ифво, ғийбат, мунофиқликдан ўзини сақлайди, ёмон йўллардан, ярамас ишлардан, ножоя хатти – ҳаракатлардан ўзини тияди, одамларга яхшилик қилишни, инсоний бурчи, масъулияти деб билади. Баркамол инсоннинг эътиқоди мустаҳкам бўлади. Шунинг учун улардан сотқин чиқмайди. Халқига, Ватанига хиёнат қилмайди. Баркамол авлоднинг одамлар кўз ўнгида баҳоланадиган, бошқаларни ибрат олишга чорлайдиган мезонлари нимадан иборат, деган савол туғилиши табиий.

Авваламбор, баркамол авлод деганда, барчамиз соғлом наслни тушунамиз. Соғлом авлод – миллат ва давлат равнақининг бош омили ҳисобланади. Зоро, носоғлом ота – онадан Алпомишлар, Барчинойлар туғилмайди. Ўз насл – наسابини тоза тутиш, фарзандларининг соғлом ўсишини таъминлаш ҳар бир жамиятнинг, ота – онанинг келажак авлод олдидаги масъулияти ҳисобланади.

Биринчи президент 2009 йилнинг 13 апрель куни “Она ва бола саломатлигини мухофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”, 1 – июлда эса “2009 – 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора – тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарорлар қабул қилди. Қисқа муддат ичидаги мавзууда иккита Қарор қабул қилиниши, саломатлик ниҳоятда мухим ва долзарб масала эканлигини англатиб турибди. Уч босқичли ягона спорт ўйинлар тизими: “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” мусобақалари ҳам ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш билан бирга миллий ғурур ва ифтихор туйғусини оширишга хизмат қиласи.

Иккинчидан, баркамол инсон бўлишни ҳамма ҳам орзу қиласи. Лекин фақат орзу билан, ҳаёл суриш билан бунга эришиб бўлмайди. Комилликка етишиш учун инсоннинг ўзи машаққатли меҳнат қилиши, тиним билмай ўқиб ўрганиши талаб этилади. Демак, илм – фан баркамолликнинг энг мухим шарти, пойдевори ҳисобланади. Негаки, инсон жисмонан мукаммал бўлиши мумкин, лекин руҳан номукаммал қилиб яратилган. Шу боис, у руҳан такомилга мухтоҷ, илмга, тарбияга эҳтиёжманд. Жорий 2010 йил учун тасдиқланган давлат бюджетининг 50

фоиздан кўпроғи мамлакатимизда айнан таълим – тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги фикримизнинг далилидир. Бу ерда жаҳондаги бирорта давлатда таълим – тарбия тизимиға эътибор Ўзбекистонимиздаги даражага кўтарилимаганлигини таъкидлаш лозим. Ёшларимизнинг энг замонавий интеллектуал билимга эга, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб етишиши учун барча имконият ва шарт – шароитлар яратилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жорий этилиб, ҳаётга татбиқ этила бошланганидан буён 1400 га яқин академик лицей ва касб – ҳунар коллежи, 6,5 мингдан ортиқ умумтаълим мактаблари қурилиб, янгидан таъмирлангани фикримиз далилидир.

Учинчидан, инсон баркамоллигининг энг юқори нуқтаси, юксак мезони, бизнингча, ватанпарварлик туйғуси ҳисобланади. Ватанни севиш, Ватан билан фахрланиш, уни олий қадрият ҳисоблаш бу – маънавий баркамолликдир. Ватан озодлиги, эркинлиги, мустақиллиги йўлида жон фидо қилишга тайёр туриш бу – жисмоний баркамолликдир.

Дарҳақиқат, Ватан бу – бизнинг ўтмишимиз, бугунимиз ва келажагимиз. Ватан – муқаддас қадамжо. У инъом этилмайди, қарзга берилмайди, пулга сотилмайди. Чунки у она каби азиз ва мукаррамдир. Баркамол инсонни ким тарбиялади?! Юртбошимиз бу ишни бекорга “давлат сиёсатининг устивор вазифаси” деб эътироф этмаяпти. Бу оиласдан тортиб, мактаб, жамоат ташкилотлари, олий ўқув юрлари, турли – туман давлат, нодавлат идоралари, ОАВ зиммасидаги ишдир. Ҳатто жозибали бир ҳайкал, монумент ҳам инсонни баркамолликка яқинлаштирувчи кучга айланиши мумкин. Айниқса, яқинда пойтахтимизда ўрнатилган “Ватанга қасамёд” монументи баркамоллик тимсоли сифатида ибрат вазифасини ўтайди. Унинг қудратли кучи шундаки, ҳеч қачон тиз чўкмаган ўзбек ўғлони она сиймоси олдида тиз чўкиб, юртим тинчлиги йўлида жонимни фидо қилишга тайёрман, деб қасамёд қиласди, Ватан байроғини ўпид, кўзига суртади. Бу шубҳасиз ҳар бир ақли расо инсонни жасоратга чорлайди. Шоир айтганидек:

Фарқ қиласди оддий йигитдан,
Ватан байроғини ўпган ўғлонлар!

Баркамол авлод учун кураш дастурда белгиланганидек бир йил муддат билан чекланмайди, доим давом этаверади. Миллатимиз ва давлатимизнинг умрбоқийлиги ана шу курашнинг самараларига боғлиқдир.

«Биз фарзандларимизни нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки, уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйғанмиз»⁸.

Шахс маънавиятини шакллантириш ва қарор топтиришда сўз ғоявий таъсир воситаси сифатида намоён бўлади. “Яхши сўз-қиличдан ҳам кучли”⁹ деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам ўз ўрнида ишлатилган сўзлар, ёрқин ва дилдан баён этилган нутқ, баъмани фикр доимо кишиларнинг хулқ-авторига, маънавиятига ижобий таъсир кўрсатади. Фикрни эса тингловчининг талаб-эҳтиёжи, орзу-умидлари ва манфаатларига алоқадорлигини ҳисобга олган ҳолда баён этилсагина, таъсирчан ва ишончли бўлади.

Маънавий-маърифий тарбия олиб борища муайян маънавий қарашлар тизимини бирдан, бир вақтнинг ўзида ифода этишга интилмаслик лозим. Бундай изоҳ яхши самара бермаслиги мумкин. Шунинг учун маърузачи томонидан алоҳида-алоҳида фикрлар равон ва содда тилда баён этилса, масаланинг масаланинг моҳиятини тез англаб олади. Ҳамда тингловчи қалбидан ўрин олади. Масалан, шахс маънавиятини шакллантиришда миллий қадриятларимизнинг ўрни ҳақида сўзлар эканмиз, уларнинг барчасини бир бошдан бирма-бир санаб ўтиш шарт эмас. Яъни, она меҳр-муҳаббатининг нақадар улкан куч экани, бунга алоқадор ноёб удумларимиз борлигини англаш учун оддий она алласининг таъсирчанлигини ҳис этиш киши қалбida кучли, такрорланмас кечинмаларни ўйғотиши мумкин.

Ўз-ўзини бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда, улкан маънавий тарбия

⁸Каримов И. Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир //«Халқ сўзи», 2010. 30 январ.

⁹ Ўзбек халқ мақоллари. – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 1989. – Б 89.

вазифасини бажаради. Кексаларнинг панду насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги орқали одамлар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади.

Ёшлар маънавиятини юксалтиришда таълим тизимиning ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Чунки таълим тизимида онг ва тафаккурнинг ривожланиш жараёни кечади ва улар ўз навбатида ёшларга билим эгаллаш билан бирга, ватанпарварлик, миллатпарварлик ва умуминсонийлик каби қадриятларни ўзлаштириш ишига яқиндан ёрдам беради. Шунинг учун ҳам таълим билан тарбия уйғун ҳолатда ёшларнинг маърифат ва маънавиятини ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида ҳар доим катта аҳамиятга эга бўлиб келган.

Таълим тизимида таълим ва тарбиянинг узвий равишда олиб борилиши нафақат мамлакатнинг интеллектуал жиҳатдан юксалишига, шунингдек маънавий баркамол бўлишини ҳам таъминлади. Шу маънода ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов бу масалага эътибор бериб қуидагиларни айтади: “Шуни унутмаслик керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлик”¹⁰.

Шахс маънавиятини шакллантиришнинг механизмларидан бир энг замонавий информацион воситаларни вужудга келтириш ва улардан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Албатта, информацион воситалар кенг тушунча, у факт радио, телевидение, оммавий ахборот воситалари, компьютер, интернет билан чегараланмайди. У кутубхоналар, музейлар, бадиий санъат асарларини намойиш этадиган кўргазма заллари, ҳужжатли ва бадиий кино асарларини ҳам ўз ичига олади. Улар орқали аҳолига маълумот берилади ва улар халқнинг маънавий камолотга эришувини таъминлади.

4. Ёшлар ва мустақиллик тафаккури

Ўзбекистонда кенг миқёсли ислоҳотларни ёшлар онги ва қалби орқали ўtkазиш, бу жараёнларни ёшлар социал-маданий, сиёсий қиёфасини шаклланиши

¹⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б. 61.

билин үйғун ҳолда олиб бориш жамиятни демократиялашувини янада тезлаштиради.

Жамиятдаги ялпи ўзгаришлар жараёнларининг пировард натижаси ёшлар социал-маданий, сиёсий қиёфасидаги туб ўзгаришларга сабаб бўлди. Ёшлар тафаккурида, феъл-авторида, саъй-ҳаракатларида янги қадриятлар қарор топди. Ёшларда ҳаётга муносабат тизими ўзгарди. Ёшлар социал-маданий, сиёсий қиёфасида янги жиҳатлар шакллана бошлади. Бу эса бевосита сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳада туб янгиланишларга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жамиятни демократиялашуви билан ҳамоҳанг тарзда ёшлар социал-маданий, сиёсий қиёфаси ҳам ўзгариб боради. Чунки ёшлар социал-маданий, сиёсий қиёфасининг ички моҳиятини жамиятдаги объектив вазият белгилайди. Яъни ёшларнинг мавжуд тузумга нисбатан муносабати, айниқса сиёсий ҳокимият тизимида ёшларнинг эгаллаган мавқеи, сиёсий манфаатлари шаклланиши муҳим аҳамият касб этади. Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати демократик ислоҳотлар субъектларининг, ёшларнинг социал-маданий, сиёсий қиёфасида туб ўзгаришлар ўзига хос икки турдаги қарама-қарши характерда намоён бўлмоқда.

Ёшларнинг фуқаролик жамиятини қуришда олға интилиши, демократик ислоҳотларнинг мақсад ва мазмунини чукур англаши, янги муносабатларга қизиқиши, изланиши, тарихий-сиёсий тафаккурининг шаклланиши, ўзлигини таниши, фуқаролик позициясига эга бўлиши учун ҳаракат қилиши, ўзига ва идрокига ишончининг ортиши, ўз салоҳиятини жамиятни демократиялашуви учун сарфлашга тайёр туриши, шахс сифатида комилликка интилиши, ўз камолотини жамият тараққиёти билан боғлаши, бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этиши, ҳаётга очиқ назар ва соғдиллик билан қараши уларнинг социал-маданий, сиёсий қиёфасида демократик ислоҳотларнинг ижобий натижаси мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Ёшлар орасида бир қолипга тушиб қолиш, ҳаётдан зерикиш, боқимандалик, бефарқлик, давлат ҳокимияти бошқарувига ишончсизлик, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билмаслиги натижасида ўз ижтимоий ҳолатидан норозилиги, давлат инсон учун барча шароитни яратиб бериши лозим деган фикрни илгари сурувчи, бойлик ортидан қувиш натижасида енгил даромад топишга иштиёқманд,

ўз манфаатини устун қўйувчи, маънавий қашшоқ, фақат бугунги кун дарди билан яшаши натижасида келажагини тасаввур қила олмаслик, ижтимоий-сиёсий жараёнларга лоқайд бўлган социал-маданий, сиёсий қиёфаларнинг тушкун кайфият кўринишлари ҳам йўқ эмас.

Миллий қадриятларни англаш орқали ўзлигини таниш жараёнида тарихий тафаккур ва сиёсий мафкура ёшлар онгига сингган тақдирда, уларда ҳуқуқий-маданият ва сиёсий онг шаклланиши мумкин. Ёшлар ҳуқуқий-маданияти ва сиёсий онги жамият тараққиётига мос равища шаклланиши ушбу тараққиётни ёшлар ва жамият, жамият ва ёшлар манфаатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларининг муштараклигини таъминлайди. Бунга мутаносиб равища ёшлар ҳуқуқий-маданияти ва сиёсий онги ҳам жамият тараққиётининг мезонлари билан боғлиқ ҳолда ўзгаради. Агар бу мезонлар фуқаролар, айниқса ёшлар манфаатларидан келиб чиқса, сиёсий манфаатлар инсонпарвар характерга эга бўлади.

Бу масала мамлакатимизнинг демографик ҳолати билан ҳам боғлиқdir. Ҳозирда Ўзбекистон аҳолисининг 62 фоизини ёшлар ташкил этади. Ёшлар манфаатининг сиёсатда акс этиши тор иқтисодий даражадан, яъни ёшларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилганлигини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий категориядан сиёсий муаммо даражасига кўтарилиди. Бу дегани шундан иборатки, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда қанчалик фаол иштироки, ғоявий-мафкуравий дунёқарашни такомиллашганлиги, яъни уларнинг сиёсий онги ва маданияти, энг аввало манфаати ва қизиқишилари, қарашлари ва интилишларини намоён этадиган социал-маданий, сиёсий қиёфасидаги ўзгаришлар мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи муҳим омилга айланди.

Бу борада инглиз файласуфи Томас Гоббс (1588-1679) шундай дейди: “Давлатнинг қандайлиги ҳақида хулоса чиқаришдан аввал, одамларнинг аҳлоқи, қизиқишилари ва феъл-атворларини ўрганиш жоиздир”¹¹. Бунда жамиятнинг ҳар бир грухи ва қатламларининг сиёсий онг ва маданияти мамлакат тараққиётини таъминлаши таъкидланган.

¹¹ Ҳакикат манзаралари: 96 мумтоз файласуф (тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар). -Т.: «Янги аср авлоди», 2002. - Б. 252.

Давлат-жамият-ёшлар ўртасидаги ўзаро масъулият воқеликда идрок қилинган тақдирдагина сиёсий манфаатлар амалиётда ўз аксини топади. Социал-маданий, сиёсий қиёфадаги ёшлар жамиятга берувчи фойдалари ва жамиятдан олуучи манфаатлари нисбатини теран англовчи ҳамда ўз амалиётида бу нисбатда мувозанат бузилмаслигига қатый риоя этувчи фаол субъектдир. Шу боисдан ҳам ёшлар ўз онгли эҳтиёжларини, интилишлари, ҳохиш-истакларига қараб жамиятда ўзининг мўлжаллари доирасида манфаатлари ошиши табиий жараёндир.

Жамиятни демократиялашуви жараёни ёшларга юксак тафаккур эгаси бўлган мавжудот сифатида ўзининг тенгсиз қобилиятини, чексиз имкониятларини рўёбга чиқариш учун шароит яратди. Энди ҳар бир ёш авлод ўзини эркин ҳис этиш, мустақил фаолият кўрсатиш орқали яратувчанлик қобилиятини шакллантиришга, том маънода ўзининг тақдирини ўзи белгилашга дахлдор эканлигини англай бошлади. Ёшларда жамият ҳаётига дахлдорлик, миллат ва мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаслик ҳисси шакллана бошлади.

Ёшларда социал-маданий, сиёсий етукликини шаклланиши жамиятнинг демократиялашуви, эркинлашувини таъминлайди ва мустаҳкам пойдевор яратади. Шу билан бирга жамиятда демократия қай даражада ўрнатилганлиги ёшлар социал-маданий, сиёсий қиёфасида ҳам кўринади. Бу борада мутафаккир Р.Эмерсон шундай дейди. “Тараққиётнинг чинакам белгиси-бойлик ва таълим даражаси эмас, шаҳарнинг катталиги ҳам эмас, балки шу ўлка бағрида тарбия топган инсон қиёфасидадир”¹².

Жамиятни демократиялашуви уни ҳаракатлантирувчи кучга боғлиқ. Жамиятни ҳаракатлантирувчи куч бу – халқ. Халқнинг таянч нуқтаси эса бу ёшлардир. Ёшларнинг куч-кудрати уларнинг сонида эмас, балки сиёсий етуклиги, миллий онгининг ўсганлиги, ўзини-ўзи англаб етганлиги, миллий уюшганлиги, дунёқарашининг кенглиги ва бойлигини мужассамлаштирган қиёфасида намоён бўлади. Жамиятни демократиялашуви билан уйғунликда ёшлар социал-маданий, сиёсий қиёфасини такомиллашуви, мамлакат истиқболини янада мустаҳкам

¹² Ўша аса, Б. 240.

ривожланишига пойдевор яратади ҳамда жамият ва давлат тараққиётининг асосий таянчини юзага келтиради.

Келажакда ёшларнинг сиёсий жараёнларда, давлат бошқарувида қатнашувини таъминлайдиган социал-маданий, сиёсий қиёфасини шаклланишида сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва айниқса ёшлар ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш лозим. Ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, хуқук ва эркинликларини теран англаши борасида матбуот етарли даражада иш олиб бориши керак. Ёшлар сиёсий фаоллигини кучайтириш ва уларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш лозим.

Хуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда ёшлар социал-маданий, сиёсий қиёфасини шаклланиши мамлакатни модернизациялаш жараёни билан бирга кечмоқда. Мамлакатимизнинг демографик ҳолатини ҳисобга оладиган бўлсак, ёшлар бугунги кунда аҳолининг 62 фоизини ташкил этади. Жамиятни демократиялашуви жараёнида аҳолининг асосий қатламини ташкил этувчи ёшларда социал-маданий, сиёсий етукликнинг шаклланиши-бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, хуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Ёшлар манфаатининг сиёсатда акс этиши тор иқтисодий даражадан, яъни ёшларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилганлигини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий категориядан сиёсий муаммо даражасига кўтарилди. Бу ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштироки, ғоявий-мафкуравий дунёқарашни такомиллашганлиги, яъни уларнинг сиёсий онги ва маданияти, манфаат ва қизиқишилари, қарашлари ва интилишларини намоён этадиган социал-маданий, сиёсий қиёфасидаги ўзгаришлар мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи муҳим омилга айланди.

Ёшларда социал-маданий, сиёсий етукликни шаклланишида асосий қонунимиз Конституциянинг аҳамияти катта бўлиб, биринчи президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда: «Аввало, барчамиз бир ҳақиқатни англаб тушуниб

бормоқдамиз - бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва марраларга эришаётган бўлсак, буларнинг пойдеворида Конституциямиз - буюк ҳаёт қомусимиз турибди»¹³.

Конституциямиз, энг аввало, сиёсий ҳужжатdir. Унда давлат суверенитети, ҳалқ ҳокимиятчилиги, ҳуқуқий демократик давлат тамойиллари, ташқи сиёсат масалалари ўз ифодасини топган.

«Давлат ҳалқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқуаролар олдида масъулдирлар»¹⁴ - дейилади Конституциямизнинг 2-моддасида. Демак, давлат ҳалқ манфаатини кўзлаб, ўз фаолиятини юритади. Халқнинг асосини эса ёшлар ташкил этади. Ҳалқ ҳокимиятчилиги ёшларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни, уларнинг сиёсий фаолликларини оширишни талаб этади. Ёшларда социал-маданий, сиёсий етукликни бевосита миллий ўзликни англаш, тарихий-сиёсий воқеликни идрок этиш орқали ҳам такомиллашувини кўришимиз мумкин.

И.А.Каримов фуқароларнинг сиёсий фаоллиги тўғрисида сўз юритар эканлар, шундай деган эдилар: - «Биз бугунги қунда минтақамизда яшаётган ҳалқлар гўёки ҳали демократия учун тайёр эмас, бу борада «пишиб етилмаган», улар олдин камбағаллик ва қашшоқлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишлари зарур, шундан кейингина демократия қуриш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳатлар учун шартшароит юзага келади, деган гапларни қўп эшитамиз. Бундай баёнот ва ёндашувлар аввало тарихни билмаслик, халқнинг бунёдкорлик салоҳиятига, куч-кудратига ишонмаслик, айтиш мумкинки, ҳозирги дунёни жадаллик билан ўзгариб бораётган объектив глобал жараёнларни тушунмаслик натижасидир»¹⁵.

Конституциямиз ёшларнинг сиёсий ҳуқуқларини, уларнинг сиёсий-ижтимоий фаолликларини амалга оширишни кафолатлади.

И.А.Каримов Конституциямиз хусусида шундай дейди; “...туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжат, унда “фуқаро-жамият-давлат” ўртасидаги ўзаро муносабат оқилона ҳуқуқий ечимини топган, фуқаролар билан давлат ўзаро

¹³ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. - Т.: «Ўзбекистон», 2000. - Б. 87.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: «Ўзбекистон», 2008. - Б. 4.

¹⁵ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлашириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишдир. Т.:Ўзбекистон, 2005. - Б 35.

хуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдирлар. Фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликлари дахлсиз...”¹⁶.

Ёшлар ўзларига яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш билан бирга жамият ва давлат олдидаги масъулиятини унутмасликлари лозим.

Юқорида келтирилган фикрлар, ёшлар давлатнинг олиб борилаётган сиёсати обьектини ташкил этишини яна бир бор исботлайди. Давлатнинг тараққиёти муносиб ворисларни камол топиши билан чамбарчас боғлиқ. Негаки, демократик давлат ёшларнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлардаги фаол иштирокидан манфаатдор. Бунинг учун эса, табиийки давлат ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш борасида қайғуради. Чунки социал-маданий, сиёсий етук ёшлар салоҳияти жамиятни демократиялашуви жараёнини тезлаштиради.

5. Мустақиллик тафаккури асосида таълим мазмунини такомиллаштириш

XXI бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, бу жараёндан тўла ҳимояланиб олган бирорта ҳам давлат йўқ. Шу даврга келиб ахборот жамиятнинг муҳим таркибий қисмига айланиб бормоқдаки, ҳар қандай мамлакатнинг қандай суръатлар билан ривожланиши кўп жиҳатдан унга боғлиқ бўлиб қолди. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятидаги аксарият давлатлар, хоҳ ривожланган, хоҳ ривожланаётган бўлсин, жамиятда ахборот тизимини шакллантиришга, ривожлантиришга кенг эътибор қаратмоқда. Оммавий ахборот воситалари, компьютер, интернет тармоқлари, уяли телефонлар ахборотлашган жамият, глобал даврнинг асосий технологиясига айланди. Халқаро майдондаги, мамлакат ички ҳаётидаги ўзгаришлар, янгиликлар жамиятнинг турли соҳаларидаги воқеа-ходисалар ҳақида тезкорлик билан хабар беруб турилиши натижасида, доимий ахборот алмашинуви таъсирида жамият ҳаракати фаоллашиб бормоқда.

Техниканинг ривожланиши оқибатида ахборот тизимидағи ўзгаришлар, ахборот маконининг глобаллашуви, замонавий очиқ ахборот тизимининг вужудга

¹⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат// Ўзбекистон: миллий истиқолол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б 364.

келиши, интеллектуал мулкнинг ривожланиб бораётганлиги, республикамиздаги бошқа жабҳалар сингари таълим тизимини ҳам зудлик билан қамраб оляпти.

Бизга маълумки, таълим шахснинг қобилияти ва қизиқишини ривожлантирувчи, ижтимоий тенгликни қарор топтирувчи, ёшларни билим билан қуроллантирувчи, жамиятда эътиборли ўринларни эгаллашга ёрдам берувчи, ижтимоий ўринларни нуфузлаштирувчи, аҳолининг турмуш даражасини кўтарувчи, ахлоқий, маънавий, хуқуқий меъёрларни шакллантирувчи восита деб қаралади.

Айни вақтда Ўзбекистонда “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” комил инсон, баркамол авлод тарбиясини долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўймоқдаки, бу вазифа жаҳон андозаларига мос, билимдон, зукко, зийрак ёшларни тарбиялашни тақозо этмоқда. Бу зийрак ёшлар албатта ҳозирги давр ахборот технологияларидан хабардор бўлиши зарур. Шу боис, кейинги вақтларда Ўзбекистон ёшлари электрон коммуникация воситалари ёрдамида ўзида минглаб километр узоқликда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан хабардор бўлиб бормоқда, информацион технология ва ахборотларни узатиш, қабул қилиш, таҳлил этиш ҳамда улардан амалий ҳаётда фойдаланиш имкониятлари кенгаймоқда.

Машҳур социолог Иван Ильич қуйидагича таъкидлайди: “Таълим, ёшидан қатъий назар, ўқийман деган ҳар бир киши учун имкониятлар эшигини очиб бермоғи керак. Таълимнинг бундай тизими билимнинг фақат мутахассислар доирасида эмас, балки кенг доирада оммалашшишга ёрдам берган бўлур эди. Ўқувчилар стандарт дастурларга кўра эмас, балки ўзларининг қизиқишлирига кўра ўқишлари керак”¹.

Шу жараён ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги таълим тизимига ҳам кириб келмоқда. Расмий таълимининг барча моддий ресурслари талаба ва ўқитувчиларга қулай бўлган кутубхона, илмий лаборатория, ахборот банклари ва базаларига кўчирилмоқда. Ахборот тарқатиш тармоқлари кенгайиб бормоқдаки, бунинг натижасида ёшлар мустақил билим олиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

¹ Каранг: Энтони Гидденс. Социология. Т. , 2002. - Б.475.

Оммавий коммуникация ёшларнинг ахборотни таҳлил қилиш ва уюштиришга ёрдам берувчи идрок асосларини, умуммаданий дунёқарашиб шаклланишига таъсир кўрсатмоқда, у ёшларда ижтимоий ҳаёт билан мулоқотда бўлиш тажрибаларини тартибга солишга ўргатиш орқали ижтимоий оламни таҳлил қилиш усусларини шакллантирмоқда. Бу орқали ёшлар нафақат ахборотларни қабул қилиш ва қайта ишлашни ўрганмоқда, балки янгича кўринишдаги ахборотларни яратмоқдалар. Компьютер, интернет тармоқлари ёшларнинг ноанъанавий манбаларга мурожаат қилиш имокниятларини очиб бермоқда, ижодий изланиш, янги ўкув дастурлари билан танишиш, яратиш, халқаро майдонда ўз тенгдошлари билан илмий, ижодий мулоқот қилиш, масофадан ўқитиш усусларини ўргатмоқда. Хуллас, информацион технология ва ахборотларни узатишнинг ривожланиши-ҳозирги замонда мамлакатимизда жамият тараққиётининг муҳим бир қисми бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги замон ахборот тизими ёшларга кўплаб ахборот тизими ахборот хизматларини тақдим қилиш, уларнинг саводхонлигини, билим даражасини ошириш, дам олиш имкониятини яратмоқда. Биринчи президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўкув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини факат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.”²”

Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Махатма Ганди: “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак, Шу билан бирга очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман” деганидек, глобал давр технологияси унинг

² Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.- Б114.

ижобий томонларидан самарали фойдаланиш, жаҳон стандартларига ҳар томонлама мос ёшларни тарбиялашимиз зарур. Зеро, дунё давлатлари ўртасидаги ўзаро таъсир, бу жараёндан ташқарида ихоталаниб олишнинг имкони йўқлигини кўрсатмоқда.

“Акме” сўзи қадимги юон тилидан олинган бўлиб, “ҳаёт чўққиси”, шахс жисмоний, ақлий, ижодий фаоллигининг юқори нуқтаси маъноларини англатади. Акмеология эса шахс ушбу фаоллигининг қўринишлари, шакллари ва қонуниятларини ўргатувчи фан, илм соҳасидир. Акмеологиянинг фалсафий-ахлоқий негизлари қадим-қадимги давларга бориб тақалади. Аммо акмеология аввал назария, кейинроқ фан, илм соҳаси сифатида XX асрда шаклланади. Бу борада илк йирик тадқиқот М.С. Тартаковскийнинг “Акмеология”¹⁹ асари бўлди.

Акмеология маҳсус фан, илм соҳаси сифатида юзага келгунча фалсафий-ахлоқий таълимотлар ва концепцияларда “акмэ” ўрнида “етук”, “гармоник ривожланган”, “баркамол”, “пок”, “комил”, “жисмонан ва руҳан бой” деган тушунчалар ишлатилган. Демак, акмеологиянинг фалсафий-ахлоқий негизларини ана шу тушунчалардан изламоқ керак.

Фалсафани азалдан қизиқтириб келаётган муаммолардан бири етуклиқ ва бойлиқдир. Етуклиқ, етук инсон ёки акмешахс қадимги юонларда “жисмонан ва руҳан гармоник шаклланган киши”ни англатган. Суқрот талқинига кўра, гармония шахснинг моҳиятидир, “агар гармония бузилса, у билан бирга табиат ҳам бузилади ва изтироб пайдо бўлади”. Аксинча, гармония тикланиши билан “табиат ўз ўрнига тикланади ва хазз-хузур туғилади”²⁰. Файласуф гармонияни инсоннинг табиий ҳолати, шахс сифатида мавжудлигининг шарти сифатида талқин қилмоқда.

Спарталиклар эса гармоник шаклланиши учун маҳсус жисмоний ва ақлий машқлар билан шуғулланган. Жисмоний ва ақлий баркамолликни улар озод фуқаронинг сифати бўлиши лозим деб билганлар. Гармония ва гармоник ривожланиш етуклиқ тимсоли сифатида Платон ва Аристотель асарларида ҳам қайд этилади. Аслида “гармония” атамасини Пифагор истеъмолга киритган, аммо у сонларни назарда тутган. Кейинчалик етуклиқ худога хос сифат, шунинг учун

¹⁹ Тартаковский М.С. Акмеология. – М.: Редакция международного журнала “Панорама”, 1992.

²⁰ Платон. Сочинения в трех томах. Т. 3. Ч.1. – М.: Мысль, 1971. – С.37.

инсон дин орқали, худога ўзини бағишлаш орқали баркамол бўлиши мумкин, деган теоцентрик қараш шаклланади. Щвецариялик мистик, теолог Сведенборг (1688-1772) ёзади: “Инсон ўзига ўзи истай олмайди ва яхшилик қила олмайди, ўзига ўзи ҳеч ким ҳақни фикрлай олмайди ва унга ишона олмайди, буларнинг барчаси Илоҳий (ибтидо)дан ва Яратган изларидир...”²¹ Бундай доктрина қараш хур фикрликни, айниқса инсоннинг жисмоний камолотини, тўзалигини инкор қилди, ҳатто “вужудни ўлдириши”, ундан воз кечиб руҳий, илоҳий етукликка етиш мумкин деган ғайриҳаётини, спекулятив қарашларни келтириб чиқарди. Фақат XVIII асрда Европа маърифатпарварлари, айниқса, Вольтер, Ж.Руссо, Гердер, Кант, Монтескье фалсафасида инсон эркин, деган ғоя илгари сурилди, бу ўрта аср диний мутассиблиги ва Аристотель схоластикасига қарши чиқиш эди. Акмешахснинг фалсафий-ахлоқий масалаларига оид қарашларни биз ўлкамизда яшаб ижод қилган мутафаккирларнинг ижтимоий-маънавий, илмий ва педагогик меросида ҳам учратамиз. “Авесто”даги фалсафий-ахлоқий ғоялар эса нафақат Ўрта Шарқ, Озарбайжон, Кавказ орти ва Волга бўйлари халқлари орасида ҳам машҳур бўлган. Бу ўринда Ф.Ницшенинг “Зардушт таваллоси” асарини эслаш ўринлидир.

“Авесто”да инсон фикрлари, сўзлари ва амалларининг уйғулиги орқалигина ўзининг онгли, эътиқодли, ижтимоий мавжудот эканини намоён этади. “Мен, – дейилади “Авесто”да, – зардустийлик динига содик бўлишга ваъда бераман, мен яхши фикрлар, яхши сўзлар, яхши ишларга ишонаман...”²²

“Авесто” кишидаги диний эътиқодни, руҳий-маънавий оламни объектив борлиқдан, реал ҳаётдан ажратмайди, у ҳатто дунёвийликни устунроқ қўяди. “Инсон чорванинг қўпайишига, яйловларнинг гуллаб-яшнашига ёрдам берган тақдирдагина, дехқончилик ва сугориш ишларида иштиёқ билан меҳнат қилгандагина худо ёки унинг ёрдамчисининг иноятига ноил бўлғусидир... Дон эккан киши, тақводорлик уругини экади, у Маздага ихлосмандлик эътиқодини олға суради, у имонни озиқлантириб туради...”²³

²¹ Сведенборг Э. О небесах, о мире духов об аде. – Киев, Влдав. Ницш “Украина”, 1993.- С.17.

²² Каранг: Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. - Б. 35.

²³ Ўша асар. – Б.36.

Комил инсон ғояси ислом динида, айниқса тасаввуф фалсафасида ҳар томонлама ишлаб чиқилди. Н.Комилов, М.Жакпаров, И.Ҳаққул, Г.Наврӯзова, Э.Зоиров, Г.Юнусова, С.Исмоилов каби тадқиқотчиларнинг асарларида тасаввуф фалсафасида комилликка етишнинг усуллари, тариқатлари ёритилган. Замахшарий, Нақшбанд, Гилоний, Фиждувоний, Маҳдум Аъзам, Яссавий, Нажмиддин Кубро тариқатлари инсонни маънавий-рухий комилликка эришишга бошлайди. Тўғри, уларда танани, вужудни Аллоҳга бағишлиаш ҳақида ҳам фикрлар мавжуд. Аммо Шарқ баркамолликни, комилликни, ҳозирги ибора билан айтганда, акмешахсни руҳий-маънавий ҳаётдан излаганини унутиб бўлмайди. Комиллик, баркамоллик, етуклик ғояларини биз Форобий, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Юсуф Хос хожиб, Аҳмад Юғнакий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Бедил, Аҳмад Дониш, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон асарларида ҳам учратамиз. Масалан, Навоий “пок” сўзини комиллик, етуклик белгиси сифатида ишлатиб дейди: “Демакким кўнгли поку ҳам кўзи пок, тили поку, сўзи поку, ўзи пок”.

Акмеология замонавий фалсафий-ахлоқий таълимотлар ва концепцияларга таянмай қолмайди. Ўзбекистонда мустақиллик йиллари акмеологик изланишларни янги поғонага кўтаради. Ёшларни юксак маънавиятли, интеллектуал бой, жисмонан бақувват, соғ-саломат, замонавий илм-фанни эгаллаган, ижтимоий фаол шахслар қилиб тарбиялашга қаратилган баркамол авлод концепцияси акмеологик тадқиқотларнинг мақсади ва вазифаларини белгилаб беради.

6. Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида мустақиллик тафаккурини шакллантириш

Аҳолининг таркиби кўп миллатли бўлган шароитда миллатлараро муносабатлар кундалик ҳаётнинг асосий масалаларидан биридир. Инсоният тарихий тараққиётининг деярли барча босқичларида миллатлараро муносабатларга, айниқса, миллатлараро муомалага алоҳида эътибор берилган. Шунинг учун ўзга давлатлар, минтақалар ва миллатлар яшайдиган ҳудудларга юбориладиган элчилар, савдогарлар, сайёҳлар сафарга чиқиш олдидан ўзлари йўл олаётган эл, мамлакат ва миллатнинг тили, дини, маданияти ва тарихи ҳақида тўла ва мукаммал маълумотлар йиғиб уларни ўқиб ўрганганлар.

Ўтмишда чөл элларда узок давр яшаб, маҳаллий аҳоли ўртасида хурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган тарихий шахслар жумласига Абу Райҳон Беруний, Мирзо Бедил, Бобур, Лоуренс Арабий, Миклухо-Маклай, Херман Вамбери, Фурқат, Ҳамза, Чўқон Валихонов каби кўплаб олиму-фузалоларни, сиёsat арбобларини киритиш мумкин.

Миллатлараро муомала ҳам инсон ижтимоий фаолиятининг бошқа соҳалари сингари амалга оширилиши жиҳатидан ҳар хил бўлиши мумкин. Алоҳида олинган шахслар миллий мансубликдан маҳрум бўлмаганликлари учун ҳам улар ўртасида амалга ошириладиган муомала томонлардан маълум даражада миллатлараро муомала кобилиятини қолаверса маданиятини талаб этади.

Демак, кўп миллатли мамлакатимиз фуқаролари ишлаб чиқаришда, турмуш ва кундалик ҳаётда ўзларининг миллатлараро муомала маданиятларини намойиш этадилар.

Миллатлараро муомала маданияти бу ҳар бир миллат вакилининг бошқа миллат вакиллари билан муомалани амалга ошира олиш қобилиядир. Бу маданият ҳар бир шахсда у билан мулоқотда бўлаётган ўзга миллат вакилининг миллий мансублигига, тилига, динига, миллий урф ва анъаналарига хурмат билан қарашни тақозо этади.

Халқимизда азалдан "Тил билмас-ёв" деган ўхшатиш бўлган. Маҳаллий тилни, урф-одатни билмаган ёки хурмат қилмаганларни ёвга тенглаштирилган. Шунингдек, "бир кўзлилар юртига борганда, бир кўзингни юмиб юр" ибораси ҳам борган ерингда маҳаллий аҳолига имкон қадар кўпроқ ўхшашлик зарурлигини англатади.

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, қадимги даврлардан бошлаб ҳозирги кунга қадар Ғарб ва Шарқ, Шимол ва Жанубда ҳамда у ердаги миллатлар ва элатлар ўзаро муносабатлар, борди-келди ва ҳаттоқи қирғинбарот урушлар давомида ҳам бир-бирларидан ўрганганлар. Жумладан, саличилар овқатланиш олдидан қўл ювишни Яқин Шарқдан ўрганган бўлсалар, испан копкистадорлари бир катор маданий ўсимликлар, сабзавотлар ва тамаки ўстиришни Американинг туб аҳолисидан ўрганишган.

Марказий Осиёни истило қилиш давомида араблар ўзлариникидан анча юқори бўлган маданий ҳаётга, илм-фан ва ҳунармандчиликка дуч келганлар.

Миллатлараро муомала маданияти ҳар қандай ирқчилик, миллатчилик, шовинистик ва миллий маҳдудликка оид ҳар қандай фикрлар, ҳаракатлар ва фаолиятни қатъян рад этади. Чунки, улар бор ерда миллий ҳамкорлик, баркарорлик ва дўстлик ўрнига миллий ва миллатлараро низо ва келишмовчилик, можаролар хавфи муқаррар равишда пайдо бўлади.

Кундалик ҳаётда кўп миллатли муҳитда миллий стереотиплар анекдотлар, ҳазил-мазах, беписандлик, камситиш кўринишларида учраб, уларда ўзга миллат вакилларига нисбатан айёрлик, қўрқоқлик, бефаросатлик ва бошқа ўхшатишлар ишлатилади. Одатда миллий стереотиплар маълум бир қийинчиликларга дуч келганда, иши юриишмай турганда, шунингдек, маънавий ва маданий савияси паст бўлган кишиларда учрайди.

Миллатлараро муносабатларда баъзан учраб турадигаи бундай миллий стериотип ва руҳий установкалар миллатлараро ҳамкорликка, халқлар ўртасида дўстлик, бир ёқадан бош чиқариб, ўзларини ягона Ватан фарзанди, мамлакат фуқароси деб ҳисоблашга халақит бермаслиги учун уларни бартараф этиш кўп миллатли мамлакат олдида турган асосий вазифалардан бири саналади.

Хулоса қилиб айтганда, миллатлараро муомала маданияти миллатлараро муросанинг асосий шартларидан ҳисобланиб, уни такомиллаштириш мамлакатимизда яшаётган ва фаолият кўрсатаётган барча миллат ва элат вакилларнинг ўз интилишлари ва маданиятларининг гуллаб-яшнашида уларни бирлаштирувчи, буюк умуминсоний қадриятлар миллатлараро тинчлик ва фуқаролар тотувлиги, конунчилик, ижтимоий адолат, инсон ҳукуқларининг устуворлигини таъминлашга, илғор миллий анъаналар, урф-одатларни ривожлантириш, миллатлар ўртасидаги аҳиллик ва ягона Ватан фуқароси ҳиссини кучайтиришга хизмат қиласи.

Тарихий тараққиёт тажрибасидан маълумки, инсон ўзи яшаётган табиий ижтимоий муҳитни, ўзини-ўзи ўзгартиришни билиши учун ҳамиша янги маълумотларга эҳтиёж сезади. Бошқача айтганда, инсон ўзининг табиий ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун унга янги ахборот ва билимлар зарур бўлади.

Шунинг учун ҳам инсон билимлари доимо ўзгариб турувчи, динамик хусусиятга эга. Илм-маърифат энг олий қадрият саналган.

Ахборот ва билим жамият ривожланишининг барча даврларида муҳим рол ўйнаган ва ўйнамоқда. Жамият ҳаётида ахборотнинг аҳамияти ва ролини моҳиятан англашга алоқадор ҳолатларда ахборот ва билимнинг ўзаро алоқасини тушуниш алоҳида аҳамият касб этади.

Жамият ривожланишида билим ва ахборот катта аҳамиятга эга бўлиб, мазкур жамиятда билимнинг ривожланиши ва унга таъсири ишлаб чиқилиб манба сифатида тадқиқ этилади. Жамият ўз ривожланишининг барча босқичларида билимлар ишлаб чиқсан ва улардан фойдаланиб келган. Маълумки, инсоннинг ривожланиши учун ахборот сув, ҳаво ва олов каби керак бўлади. Шунинг учун ҳам Е.Кудрас таъкидлаганидек, ахборот – тўртинчи ҳаётий зарур элементdir.

«Ахборот» – билимга бўйсунувчи тушунча бўлиб, билимни бойитади ва ўзгартиради. Инсон ижтимоий турмушнинг тараққиёти асосида билим ётади, яъни билим ижтимоий тажрибани ҳаракатлантиради. Демак, «ахборот теварак-атрофдаги турли хил манбалардан тўпланган омиллар бўлиб, билимларни қайта изҳор қилиш»²⁴ ҳамдир.

Билим ўз тараққиётининг дастлабки босқичида англаш ҳолатини босиб ўтади. Билимнинг маъно ва моҳиятини англаб етмасдан туриб, уни тушуниб бўлмайди. Худди шунинг учун ҳам англаб олинган билим ўз тараққиётининг иккинчи босқичида тушуниш ҳолатига киради. Инсон билимларнинг маъно ва моҳиятини тушуниб етгач, унинг тўғри ёки нотўғри эканлиги тўғрисида фикр билдиради. Инсон томонидан ўзлаштириб олинган билимлар, уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларига, манфаатларига, хоҳиш-истакларига, қисқача айтганда, ҳаётий мўлжалларига мос тушса, кишида ўзлаштириб олган билимларни турмушга татбиқ этиш истаги ҳосил бўлади.

Хозирда биз билим тушунчасини турлича тушунтиришимиз мумкин. Масалан, субъект – олган билимлар асосида фаолият юритиш имкониятига эга

²⁴ Давронов З. Илмий ижод методологияси. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. - Б 180.

бўлади. Билим – объектив реалликни субъект онгига тизимли равишда акс эттиришдир.

Кундалик фаолиятимизда «ахборот» ва «билим» тушунчаларини бир-бирига яқин, ўхшаш тушунчалар сифатида ишлатамиз. Аммо чукурроқ ўйлаб қарасак, ушбу тушунчаларнинг бири иккинчисига ўхшаш эмаслигига гувоҳ бўламиз. Ҳар қандай ахборот ҳам билим бўлавермайди. Билим – ахборотнинг олий даражаси, энг юқори ҳолатидир. Ахборот билим даражасига кўтарилиши учун инсон бисотида мавжуд бўлган тарихий тажриба, идрок, тасаввур чиғириғидан ўтмоғи даркор. Ана ўшандагина ахборот билимга айланади. Худди шунинг учун ҳам, юқорида таъкидлаганимиздек, билим фақат маълумотлар йиғиндиси эмас, балки уларнинг синтезидир. Билим инсон борлигининг энг асосий хусусияти, мия фаолиятининг маҳсулидир.

Инсон туғилганида унинг миясида ҳеч қандай билим бўлмайди. Билим ҳаёт жараёнида, яъни инсон амалий фаолиятининг натижаси сифатида ҳосил бўлади. Инсоннинг янги ахборотни билиши ва ўрганиши узоқ давом этадиган мураккаб, зиддиятли жараён бўлиб, билмасликдан билишга қараб боради. Билимга эга бўлиш жуда кўп маълумотлар билан танишишга боғлиқ. Шунинг учун ҳам бугунги қунда баркамол авлод дунёқарашини шакллантиришда ахборотнинг йилдан-йилга кўпайиб бориши натижасида билим олиш биринчи ўринга чиқмоқда.

Юқоридагилардан қуйидаги хулоса чиқариш мумкин, ҳозирги дунёда билимнинг муҳимлиги ва зарурлиги, ахборотлашган жамиятни барпо этиш ҳақидаги концепцияларда ўз аксини топган. Билимни эгаллаш воқеликни субъектив ўзлаштириш билан боғлиқ. Замонавий дунёда мамлакатнинг ривожланиши билимлар ва ахборотни инновация ва татбиқ этиш ўртасида мулоқотни амалга оширадиган ва ахборотни қайта ишлайдиган билим ва мосламаларнинг юзага келишига нисбатан қўллаши билан белгиланади. Ўз навбатида билим субъект томонидан, шахсий мулоҳаза асосида шакллантирилади.

Билим ва ахборот замонавий ишлаб чиқариш технологик функцияларини тавсифлайди. Умуман олганда, билим ва ахборот жамият ривожланишининг барча усуллари учун муҳим, чунки ишлаб чиқариш жараёни ҳар доим билимлар ва ахборотни қайта ишлаш даражасига боғлиқдир. Бу омиллар ёш авлодни тарбиясида

билимли, юксак ахлоқли, маданиятли, кенг илмий дунёқараашга эга бўлишини талаб қилади. Бунда келажагимиз пойдеворига айланиб бораётган таълим тизимининг ёшлар илмий дунёқарашини шаклланишида муҳим восита ҳисобланади. Шу боис ёшлар дунёқарашининг шаклланишида унга таъсир этувчи омиллар, ундаги қадриятлар тизими, бу тизимда билимнинг ўрни, баркамол авлод тарбиясида қандай билимлар зарур ва уларни қандай усул ва услублар асосида узатиш, ёшлар қадриятлари тизимидағи замонавий ўзгаришлар, миллийлик ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, мазкур тизимдаги замонавий ўзгаришлар ташкил этади.

7. Ислом таълимоти асосида мустақиллик тафаккурини такомиллаштириш

Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатаро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўпдан – кўп муҳим масалалардан иборат. Бироқ, жамиятни янгилаш учун, биринчи навбатда, талаба - ёшларни ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган илмли, тарбияли, комил инсонлар қилиб тарбиялаш, уларни амалда ижтимоий тараққиётнинг марказига қўйиш керак бўлади. Бунда ҳадислардан фойдаланиш жуда ўринлидир.

Ҳадислар ёшларни одобли бўлишига, ота – онага ҳамда қариндош – уруғларга муҳаббатли бўлишга, Ватанни севишга, халоликка, илм ўрганишга, байнаминал бўлишга даъват этади. **“Мен барча яхши ахлоқни такомиллаштириш учун юборилганман”** – дейдилар пайғамбаримиз Мұҳаммад (сав). Дарҳақиқат, шундай. Қайси бир ҳадисни олиб қараманг, унда ахлоқ ва уни такомиллаштириш хусусида гап боради. Масалан: **“хамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомолада хулқингиз чиройли бўлсин”;** **“мўминларнинг афзали хулқ–атвори яхшиларидир”;** **“Фарзандларингизни иззат – икром қилиш билан бирга, ахлоқ – одобини ҳам яхшилангизлар”**, – дейилади Ҳадиси шарифда.

Ҳадисларнинг пайдо бўлганига 15 асрдан зиёдроқ вақт ўтганига қарамай, улардаги тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фикрлар ҳануз ўз қийматини йўқотган эмас. Ҳадислар одамларни яхшиликка, дўстликка, ҳалол меҳнатга, ростгўйлик,

ширинсўзликка ундаиди. Масалан: “**Тангри наздида энг яхши гап рост гапдир**”. Ёки “**Сизларнинг яхшиларингиз – хушхулқ, ширин сұхбатлиларингиздир**”. **Ёмонларингиз эса оғзини тўлдириб, эзмалик ила кўп гапирувчиларингиздир**”. Талабаларнинг ўз нутқ маданиятларини ўстиришларида, муомала одобини ўрганишларида бу ҳадисларнинг аҳамияти каттадир.

Ҳозирги даврда маънавий қадриятларга катта эътибор берилаётганига қарамай, баъзи бир ёшлар табиатига хос бўлган қизиқонлик, бетгачопарлик каби салбий хусусиятлар буткул барҳам топганича йўқ. Бундай ҳолатларда “узр сўраладиган ишдан сақланишга” даъват этадиган ҳадислардан фойдаланиш мумкин. Масалан: “**Ёшларингизнинг яхшилари – ўзини катта ёшдагилардек оғир тутадиганлариидир. Катта ёшдагиларнинг ёмонлари эса ўзини болалардек енгил тутадиганлириидир**”; “**Ораларингизда энг кучлиларинг кимлигини айтайми?! У ғазаби келганда ўзини тутиб туро оладиганларингиздир**”, - каби ҳадислар шулар жумласидандир.

Маълумки, **маънавий камолотнинг** бир шарти – бу илмли бўлишдир. Инсонларни илм олишга, илмли бўлишга даъват этиш ҳадисларда жуда кучли. “**Гарчи Хитойда бўлса ҳам илмга интилинглар, чунки илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўминга фарздир**”; “**Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутиладиган нафл рўздан афзалдир**”; “**Илм ибодатдан афзалдир, тақво динни тутиб турувчи устундир**,” – каби ҳадислар талабаларимизни ёшлиқ даврида тошга ўйилган нақш каби илм олишга чорлайди.

Қайси бир ёш одам кекса кишини улуғ ёши хурматидан иззат – икром қилган бўлса, ўша ёшга етганида аллоҳ Таоло уни ҳам иззат – икром қиласиганларни пайдо қилиб қўяди. Ёши улуғларни хурмат ва эҳтиром қилиш тўғрисида бундан бошқа ҳам ҳадиси шарифлар кўп нақл этилган. Ислом таълимоти бўйича инсон қилган яхшилик ва савобли ишлари ҳамда гуноҳу жиноятлари эвазига шу дунёнинг ўзида ҳам мукофот ва жазоларга қисман эришади. Ота – она хизматини қилиб, розиликларини топиш, кексаю ёшларни иззат – хурмат қилиш, бева – бечораларга моддий ёрдам кўрсатиш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Марҳумнинг ортидан унинг учта нарсаси – аҳлу аёли, молу дунёси ва қилган яхши - ёмон амаллари эргашади. Лекин уларнинг иккитаси бирга кета олмай шу дунёда қолади, фақат амаллари бирга ҳамроҳ бўлади. Бу ҳадиси шарифда инсоннинг яшашдан мақсади фақат бола – чақа орттириш ва молу дунёйиғишдан иборат бўлиб қолмаслиги, балки икки дунёси учун ҳам фойдали, хайрли ишларни амалга оширишга ҳаракат қилишининг зарурлиги уқдирилади.

Одамлар бирор нарса берадими, йўқми, барибир гадолик қилгандан кўра ўтин териб келиб тирикчилик қилиш афзалдир. Жисмоний соғлом одам учун касбу ҳунар билан кун ўтказиш ўрнига тамаъгирилик ва тиланчилик қилиш мутлақо мумкин эмас. Ишлашга лаёқатсиз, мажруҳ ва нотавон кишиларгагина кундалиқ ҳожатига яраша гадойлик қилишга рухсат этилади.

Садақа бериш билан бойлик камайиб қолмайди, кечиравчи одамнинг Аллоҳ Таоло иззат – хурматини оширади, Аллоҳ учун ўзини камтар тутган кишининг мартабасини эса баланд қиласи. Ўзни камтар тутишлиқ, тавозе ҳам ҳар хил бўлади. Баъзи кишилар бирор шахсий ғаразни ёки мақсадни кўзлаб, уни амалга ошириш учун вақтинча ўзларини камтар тутадилар. Бундай ортиқча камтарлик манманлик, яъни кибр бўлиб, бу ҳам энг разил сифатлардандир.

Маънавият ҳомийси бўлмиш биринчи предизентимиз И.А.Каримов шундай дейдилар: “**Ислом дини – бу ота боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик**”. Ҳадис эса, шу диннинг Куръондан кейинги, иккинчи ўринда турувчи муқаддас манбасидир. Ҳадислардан фарзандларимизни, талабларимизни меҳр – оқибатли, номусли, ориятли, иззат – эҳтиром тушунчаларига риоя этувчи, бир оғиз сўз билан айтганда, маънавий маданияти юксак шахслар қилиб тарбиялашда фойдаланайлик.

Баркамол инсон нафси тарбияланган инсондир. Шунинг учун нафс билан боғлиқ мутафаккирларнинг қарашларини ўрганиш аҳамиятлидир. Нафс тушунчаси барча инсон ҳақидаги таълимотларда ўрганилган. Нафс тасаввуф фалсафасининг ҳам асосий категорияларидан ҳисобланади.

Нафс тушунчаси физиология, диетология, ахлоқ – одоб, ижтимоий муносабатлар, умуман меъёр - тарози муаммоларидан биридир. Тасаввуфнинг мақсади инсоннни комиллик поғоналарига элтишдир. Тасаввуф инсон тарбиясини

нафс тарбиясидан бошлайди ва уни атрофлича чуқур тадкиқ этади. Инсон камолоти учун энг катта душман нафс эканлигини тушунтиради.

Нақшбандия тариқатининг йирик вакили Хожа Убайдуллоҳ Ахрор (1404-1490) инсон баркамоллигида нафс тарбиясининг ўрнига катта эътибор берган. Хожа Ахрор нафсни тийиш билан инсон комилликка эришиши мумкин дейдилар. Одамзодда қалб ҳамда нафс бор. “Бу икки нарса шундай истеъдодга эгаки, қаҳр ва лутф сифатлари уларда акс этади. Нафс - парвардигорнинг қаҳр мазҳариидир”²⁵, - дейдилар Хожа Ахрор. Мутасаввифнинг таъкидлашича, дил яъни қалб лутфнинг макони бўлиб, нафс Аллоҳнинг қаҳр-ғазабига сабаб, барча ёмонликларнинг асосидир. Хожа Ахрор нафснинг Аллоҳ томонидан эҳтиёжларини қондириш учун берилганлиги, керагидан ортиқча, меъёрдан ошган нафс заарли эканлигини уқтиради. Бу ҳақда камолот йўлидан бораётган кишига тўрт нарса кераклигини айтадилар: “Биринчиси илмдурки, риёзатга солур, то ани тўғри ва мулойим қилур. Иккинчиси зикрдурки, анга муnis ва ҳамдам бўлур, то ёлғизликда даҳшат олмас. Учинчиси парҳезкорликдурки, анинг тўхтотқучидур, то ҳар ношойистага қарамоғой. Тўртинчиси яқиндурки, анга марқаб ва суворадур, то ҳамроҳлардин кейин қолмағой.”²⁶

Хожа Ахрор инсон ҳаётидаги кўп азоб ва ҳасратлар, нафс балосига гирифтор бўлиш, парҳез қилмасликдан эканлигини уқтиради. Демак, меъеридан ошган нафс заарлидир. “Одамзоднинг муҳтор (ихтиёрик) эканлигида ҳеч шубҳа йўқ. Бу худди бошқа сифатлар – эшитиш, кўриш, ирома, қудрат ва муҳаббат сифатлари билан сифатланишга ўхшайди. Лекин инсоннинг истеъдод ариғида ихтиёр суви оламнинг обод бўлишига сабаб бўладиган миқдорда Ихтиёр денгизидан оқади”²⁷- деганда Хожа Ахрор Аллоҳ томонидан инсонга ихтиёр эркинлиги берилганлиги ва инсон берилган ихтиёрдан оламни обод этишда фойдаланиши кераклигини таъкидлайди. Демакки, нафсни жиловлаш инсоннинг ўз қўлида экан.

²⁵ Хожа Ахрор. Фикроти Ахрорийя. Табаррук рисолалар. М.Ҳасаний ва Баҳриддин Умурзоқ таржимаси. Т.: Адолат, 2004. Б. 58.

²⁶ Ўша жойда, Б. 326.

²⁷ Ўша жойда, 58-бет.

Одам тана ва жондан иборат. “Жон моддий жараён бўлса, тана моддий нарса. Танани ушлаб турадиган, ўстирадиган восита нафсдир”.²⁸ Меъёридан ошган нафс нафақат инсон, балки жамият учун ҳам заарлидир. Хожа Ахрор айтгандарки: “Дунёнинг ҳаммаси ортиқчадир, магар беш нарсаси (ортиқча эмас). Жонни сақлаб турадиган нон; ташналикни кетказадиган сув; сатри аврат бўладиган либос; амал қиладиган илм; унда яшайдиган маскан.”²⁹

Бу билан Хожа Ахрор дунёдан - ейиш, кийиниш ва маскандан зарурат миқдорида кифояланмоқ керак, дейдилар. “Маскани ўзига кифоят қилса, ейиш агар оёқдан қолмайдиган миқдорда бўлса, қаноат бисёр яхшидир. Кийиниш агар иссиқ совуқдан асрайдиган миқдорда бўлса, етарлидир. Хоҳиш ва истакларнинг баъзиси мустаҳаб, баъзиси вожиб ҳамдир”.³⁰

Хожа Ахрор ўzlари ҳам доимо ҳаётда бу қоидаларга амал қилганлар ва ниҳоятда камтарона умргўзаронлик қилганлар. Бу ҳақда Хожа Ахрор ҳаётига доир манба Фахруддин Али Сафийнинг “Рашаҳоту айнил ҳаёт” асарида кўпгина мисоллар келтирилади.³¹

Нафс дейилганда гап жамият ҳақида эмас, аввало айрим бир шахс ҳақида кетади. “Гоҳо “Мен”, “Ўзим”, “Менинг ўзим” – сўзининг хар хил ишлатилишидир.”³² Фалсафа фанлари доктори Т.Оқмуродов бу тушунчани куйидагича изоҳлайдилар: тасаввуфда худбинлик “ўзлик” деган истилоҳ билан ҳам айтилади. Ўзлик эса жисм ва нафсдан ташкил топади. Инсондаги жамики худбинниклар, иллатлар, разолатлар ана шу жисм эҳтиёжи ва нафс таъмасидан келиб чиқади. Комил инсон бўлиш учун ана шу жисм билан нафсни енгиш керак. Инсон ўзликдан кечиш орқали ўзлигини топади. Жисм ва нафс енгилгач, инсонда ҳеч бир иллат қолмайди, у бутунлай руҳониятга айланади. Бу эса Аллоҳга етар даражадаги бир пок рух. Ана шундай покиза руҳда Аллоҳ ўз жамолини кўрсатади.

²⁸ Файзуллаев Омонулла. Нафс балоси. Ўзбекистон овози газетаси, 2003, 9 сентябрь, Б.2.

²⁹ Хожа Ахрор. Фикроти Ахорийя. Табаррук рисолалар. М.Ҳасаний ва Баҳриддин Умурзок таржимаси. 2004. - Б. 59.

³⁰ Хожа Ахрор. Фикроти Ахорийя. Табаррук рисолалар. М.Ҳасаний ва Баҳриддин Умурзок таржимаси. 2004. - Б. 62.

³¹ Қаранг: Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт. Махмуд Ҳасаний таржимаси. Т.: 2004. – Б. 297.

³² Бу ҳақда қаранг: Файзуллаев О.Нафс балоси. Ўзбекистон овози газетаси, 2003. 9 сентябрь, Б. 2.

Чунки дунёда энг олий поклик, энг олий гўзаллик Аллоҳнинг ўзида. Инсон ҳамиша ана шу олий поклик ва олий гўзаллик сари интилиши шарт ва жуда табиий.³³

Хожа Ахрор Аллоҳга яқинлик манлик занжиридан қутулиш эканлигини қуидаги мисралар билан изоҳлайди:

Қурб не боло-у пастий рафтан аст

Курби Ҳақ аз қайди ҳастий растан аст³⁴.

Қурбат Аллоҳга яқинлик баланду пастда юриш жисмнинг ҳаракати эмас, балки Ҳаққа яқин бўлиш бу ўзлик – борлик, манлик занжиридан қутулмоқдир, яъни рухнинг юксалиши ва ҳақиқатга яқинлашувидир.

Хожа Ахрорнинг фикрича, нафс инсон учун шундай тубанлик манбаидирки, ўз нафсиға қул бўлган одам учун иймон – эътиқодидан кечиш нафсидан кечишдан осонроқдир.

Хожа Ахрор жамиятдаги одамларни қуидаги уч гурухга бўлади:

1. Мардлар 2.Инсонлар 3.Чорполар.

Мардлар – инсонийлик мартабасидан ўтган, жангу жадаллардан фориф бўлган, тавҳид тифи билан ғайрни енгганлар; инсонлар – Аллоҳнинг душмани нафс билан жангга киришганлар; чорполар нафсга берилганлардир.

Хожа Ахрор дейдиларки, инсон ўзини қалбига нисбатан фаррош каби тутмоғи керак. Дилни кавний дунёга боғланишлар тааллухлар хасу хашагидан тозаламоқ даркор.³⁵ Демак, қалб соғлигига эришиш учун инсон нафсини жиловлай олиши керак.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки: Хожа Ахрор томонидан айтилган нафс ва унинг меъёри, нафсни жиловлаш тўғрисида фикрлар бугунги кунда баркамол авлодни моддий, жисмоний-маънавий жиҳатдан тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Хожа Ахрорнинг ҳаёт йўллари қаноат ва машаққат билан яшаш намунасидир. Улуғ бобомиз ўз асарларида нафснинг фойдали ва меъёридан ортиқча нафс заарли эканлигини таҳлил этганлар. Ул зот инсонларни мард, ҳақиқий инсон деганда, уларга нафсини бошқара олишига қараб баҳо берган. Хулоса қилиб айтганда,

³³ Оқмуродов.Т. Дин ва хурфиқлилик тарихи. Т.: Ўқитувчи, 1995. Б. 148.

³⁴ Хожа Ахрор. Фикроти Ахрорийя. Табаррук рисолалар.Б. 60.

³⁵ Хожа Убайдуллоҳ Ахрор. Фикроти Ахрорийя. /Табаррук рисолалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ музаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. Т.: Адолат, 2004. – Б .80.

Ислом маънавияти манбаларини ўрганиш мустақиллик тафаккури ривожланишининг муҳим таркибий қисмидир.

8. Олий ўқув юрти, оила ва кенг жамоатчилик асосида талаба ёшларда мустақиллик тафаккурини шакллантиришнинг асосий йўналишлари

Ўзбекистонда ижтимоий ҳамкорлик ҳалқимизнинг азалий урф-одат ва анъаналари, қадриятларига асосланади. Миллий хусусиятлар замиридаги ижтимоий ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, ушбу иборадаги “ҳамкор” тушунчасига қандай мазмун берилиши алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, ҳамкорликни масалан, Ғарбдаги каби фақатгина, иқтисодий муносабатлар тизимиға хос ҳодиса сифатида талқин этиш бир ёқлама хусусиятга эга. Чунки, жамият фақат иқтисодий соҳадан иборат бўлган бирлик эмас. Шунингдек, Ўзбекистон мисолида олиб қаралганда, ижтимоий ҳамкорлик тамойилларининг аввало, ҳалқимизга хос бўлган жамоавийлик руҳидан келиб чиқадиган воқеа-ҳодисалар билан шартланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бошқача айтганда, ижтимоий ҳамкорлик бизнинг жамиятимизда фақат иқтисодий муносабатлар доираси билан чекланмай, балки, жамият ҳаётининг барча соҳаларида намоён бўлиб, шахслараро, гуруҳлараро, жамоалараро ўзаро муносабатлар барқарорлигининг зарурый шарти ҳисобланади.

Маълумки, ҳалқимиз жипслиги, ҳамфикр ва ҳамкорлигини қариндошлике ришталаридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Ака-ука, опа-сингил, тоға-жиян, қуда-андачилик ва бошқа шу каби шаклларда қадимдан ривожланиб келаётган ҳамкорликнинг ушбу шакли улкан қадрият, миллий маънавиятимизнинг таркибий қисмидир.

Гарчанд, қариндошлике муносабатлари барча ҳалқлар ҳаётига хос бўлсада, юртимизда ўзига хос тарзда кечади. Инсон яхши-ёмон кунларида энг аввало, қариндошларга мурожаат қиласди. Уларнинг маънавий-руҳий ҳамкорлиги, ҳамдардлигига эҳтиёж сезади. Кўплаб бошқа жамиятларда юридик аҳамиятга молик турли ҳуқуқий меъёрлар, ҳужжатлар орқали амалга ошадиган ҳодисалар, тадбирлар бизнинг заминимизда қариндошлараро ҳамкорлик тизимининг “ёзилмаган” қоидалари мувофиқ ўз-ўзидан, табиий равишда содир бўлади. Буни биздаги ижтимоий муносабатлар тизимининг номуккаммаллиги тарзида эмас, балки,

миллий демократик маданиятимизнинг ўзига хос жиҳати сифатида баҳолаш ўринли.

Халқимиз учун оила ва маҳалла ўртасидаги ўзаро барқарор муносабатлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, ушбу икки ижтимоий институт ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик бутун жамиятимиз ижтимоий барқарорлигининг муҳим шарти ҳисобланади.

Маълумки, халқимиз учун оила муқаддас бўлиб, у шахс маънавий камолотидаги бетакрор ўрин тутади. Баркамол авлод тарбияси, камолот мезонлари, илм, касб-хунарга йўналтириш, вояга етган ёшларни уй-жой билан таъминлаш каби ҳаётий муҳим масалалар оиласарда ўз ечимини топади.

Шу маънода, оила шахс ижтимоийлашуви жараёнининг илк, муҳим босқичларидан биридир. “Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасавурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характеристи, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир”³⁶.

Маҳалла феноменининг моҳиятида ижтимоий ҳамкорлик ётади, десак муболаға бўлмайди. Инсонлар турли касбу-корга эга бўлиши, жамиятда ҳар хил мавқени эгаллаши, тириклий йўлида турли кишилар билан ҳамкор, шерик бўлиши мумкин. Бироқ, бу ҳамкорлик инсон ҳаётида муайян вақт давом этади. Маҳалладаги, яъни қўни-қўшнилар, ён-веридаги маҳаллалар билан бўладиган ҳамкорлик эса, мунтазам кечади, умрбод давом этиб, авлодларга маънавий-руҳий мерос бўлиб ўтади. Президентимиз И.А.Каримов ўринли таъкидлаганлариdek, “... ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтоҷ кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томуша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўtkазиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф одат ва анъаналар, авваламбор, маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган”³⁷.

³⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 52.

³⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 58.

Аксарият жамиятларда оиладан кейин тўғридан-тўғри жамият бошланса, бизда эса “... фуқаролик жамияти қуришни маълум маънода тезлаштирадиган, Farb менталитетига хос бўлмаган маҳаллалар бор. Ўзбек маҳаллалари том маънода ахлоқий тарбиянинг маскани; оилада катталар болага қанчалик тарбия бера олса, ўша оила яшаётган маҳалланинг тарбия борасидаги ҳиссаси ҳам шунча бўлади, десак хато қилмаймиз. Бунинг устига, маҳаллада ҳалқимизнинг қадимий демократик анъаналари ҳозир ҳам ўз кучини йўқотган эмас... маҳалла ўз-ўзини бошқариш органи сифатида оиладан фуқаролик жамиятига ўтиш учун ахлоқий кўприк бўлиб хизмат қиласди. Бундай оралиқ боғловчи тузилма Farb оламида йўқ”³⁸.

Умуман олганда, “... эзгу одатимизга айланиб кетган меҳр-оқибат тушунчасини оладиган бўлсак, унинг жуда теран тарихий, миллий, диний илдизлари борлигини кўриш мумкин. Бу аввало инсоннинг инсон билан, қўшнининг қўшни билан, қариндошнинг қариндош, оиланинг оила билан, энг муҳими, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофиirlарга саховат кўрсатиш, сидқидилдан, беғараз ёрдам беришни англатади ва бундай хусусият ҳалқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди”³⁹.

9. Мустақиллик тафаккури – бу ҳалқнинг, миллатнинг буюк эътиқодидир

Мамлакатимизда мустақиллик тафаккурини шакллантириш, мустаҳкамлаш ва уни ҳалқ эътиқодига айлантириш мақсадида буюк мутафаккирлар, давлат арбоблари ва алломаларнинг ҳаёти, маънавий мероси, нодир қўлёзмаларни тадқиқ қилиш, асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказиш бўйича давлатимизнинг кенг кўламли сиёсати амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 15 июнда “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асрар давр талаби” мавзусидаги анжумандада сўзлаган нутқида бу масалага алоҳида эътибор қаратдилар.

³⁸ Шер Абдулла. Ахлоқшунослик. – Тошкент: ЎАЖБНТ Маркази, 2003. – Б. 240-241.

³⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. Б. 8-9.

Инсон ҳаётини икки эшик орасидаги вакт, замон ёки бирон жараён деб тасвирлаганда ёзувчи⁴⁰ нақадар ҳақ эди. Мана шу умр деб аталувчи жараён ҳар бир инсон учун ўзига хос кечади. Эшикнинг биринчисини ибтидо ҳолати деб атайдиган бўлсак, жуда заиф ва руҳий жиҳатдан ҳам очилмаган қўриқ бўлган гўдаклигидан то интиҳо эшигига етадиган босқичгача инсон ҳам жисмонан, ҳам маънан камолот ёки тубанлик сари борадиган сирли мавжудотдир. Мана шу сирлилик аслида инсон учун қандай мезон? Унинг умр мазмунини ташкил этувчи раҳмоний ёки шайтоний ҳоҳиши-истаклари сари қадам ташлаши, албатта унинг яшашдан мақсад-муддаосини белгилайди. Инсоннинг икки йўл орасидаги танлови аслида нимага боғлиқ, қандай сабаб борки, камолот сари ҳаракат қилиш ҳар қандай инсонга ҳам насиб этавермайди?!.

Биринчи президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида инсон зотини икки хил тоифага бўлган: “биринчиси – ўз нонини ҳалол меҳнат билан топадиган, холис ва эзгу ишлар билан эл юртга наф етказадиган; иккинчиси – бунга мутлақо қарама – қарши бўлган ёндашув, яъни ҳаётнинг маъно мазмуни ҳақида бош қотирмасдан, фақат нафс қайғуси ва ўткинчи ҳою – ҳавасга, ҳузур – ҳаловатга берилиб енгил – елпи умр кечирадиган, ота – она ва фарзанд эл – юрт олдидаги бурчига умуман бефарқ бўлиб яшайдиган одамларнинг фикр - қарашлари”.⁴¹ Инсоннинг мана шундай икки йўл олдида туриб ўз қарашлари учун муносибини танлай олишида унинг жисму – жонида шундай сирли бир куч борки, у ҳаёт мазмунини тўғри ташкил этишда асосий механизмдир. Бу механизм қалб номи билан аталувчи буюк неъматдир.

Инсонни тавсиф этганда Ламетри каби буюк файласуф “Инсон – машина” асарида инсоннинг механик қурилмадан фарқ қилишини кўрсатади. Кўп ҳолларда Ламетри инсон танасини соат механизми билан таққослади. “Инсоннинг механик қурилмалардан фарқи тўғрисидаги фикрини давом эттирсак, аввало инсон шундай “махсус” машина бўлиб, у сезиш, фикрлаш қобилияtlарга эга, яхшини ёмондан ажратса олади”,⁴² - дейди.

⁴⁰ Ўтқир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романига ишора.

⁴¹ И.А.Каримов. Юксак маънавият –енгилмас куч., Тошкент, Маънавият, 2008. Б-22.

⁴² Фарб фалсафаси. Тузувчи ва масъул мухаррир Қ.Назаров., Тошкент, 2004. – Б. 404.

Дарҳақиқат, инсоннинг турли механизмлардан фарқи яхши ва ёмон, эзгу ва ёвуз, иссиқ ва совуқни ҳис эта оладиган буюк қалб эгаси эканлигидадир. Чунки фақат қалбина инсоннинг орзу – интилишлари сари интилишига Юртбошимиз таъкидлаган икки тоифадан бири бўлишига сабабдир. Ламетри айтган соат механизми балки, бирор структураси ишдан чиқанида бутунлай фаолияти тўхташи ва ҳеч нимага ярамайдиган кераксиз ашёга айланиши мумкин. Лекин инсон ундан фарқли ўлароқ қалби ишдан чиқса ёки нуқсонли бўлса, у иккинчи салбий йўл сари қадам ташлаб шайтон измидаги одамга айланиши мумкин. Демак, қалб инсонни доимо турли бузилишлардан асрой оладиган, уни меъёрда сақлайдиган бир кучдир. Мана шу куч уни юксаклик ёки тубанликка етаклаши мумкин.

Файласуф олим О.Файзуллаев ўзининг “Нафс, жон ва рух” ҳақидаги рисоласида инсонни камолоти ёки тубанликка юз буриши учун нафсни таҳлил қилар экан, уни зарурий ва заарли турларга бўлади. Худди Президентимиз инсон эҳтиёжлари моддий ва маънавий қўринишларда бўлишини таъкидлаганлариdek, моддийлик зарурий нафс ҳолатида тана истакларини қондиришда меъёрий амал қилинсагина, инсон учун фойдалидир. Агар у нафсга ҳаддан зиёд берилиб, турли нопок ишларга қўл урадиган бўлса, яъни заарли қўринишга ўтса, у албатта шайтон измида бўлиб, тана ва руҳида бир нуқсон кўради. Фараз қилайлик, чекиши ва спиртли ичимликлар ичиш соғлик учун ёки инсон танаси учун заарли эканлигини ҳамма билади ва бу ҳақда тамаки қутисидаги ёзувларга ҳам эътибор бериш мумкин. Лекин шундай бўлса ҳам мумкин бўлмаган ёки истеъмол қилиниши таъқиқланган бўлишига қарамай, одамзот бунга амал қилмайди. Натижада, ҳаддан зиёд ичимликка берилганлар ошқозон, ўт пуфаги ёки жигар церрози касаллигига чалиниш билан бирга, яқинларининг руҳий ҳолатига ҳам салбий таъсир ўтказади. Чунки, уни қўллаб қувватлайдиган оила аъзолари ёки қариндош-уруглари ўша инсон учун қайғуради, унинг бевақт дунёдан кўз юммаслиги учун ҳаракат қилишади. Иккинчидан, тана эҳтиёжларини қондиришда кўп ҳолларда меъёрдан ортиқроқ таом истеъмол қилинса, организмда холестерин ёки оқсил моддаси кўпайиб кетади. Натижада турли касалликлар қандли диабет, ортиқча вазн ёки юрак-қон томир фаолиятининг бузилиши ва ҳоказолар келиб чиқади. Бу тана

мисолидаги “қоидабузарлик” ҳолати бўлса, инсон руҳида ҳам бузилишларнинг келиб чиқишида бир қатор ахлоқий меъёрларнинг бузилиши сабабдир. Масалан: бола бешикда ётганида ёки уйқу оғушига кетишида алла айтиш она учун бурч бўлса-да, ҳозирги кунда бундай сирли мусиқанинг ўрнини замонавий технологиялар – телевизор, магнитофон эгалляяпти. Бола ўсиб боргани сайин мана шундай муҳит таъсирида ўсса, унга онаси ёки ака-укалари, қариндошларига меҳр эмас, балки техника билан овуниш, кераксиз инфомациялар билан хотирани, қалбни тўлдиргандан кейин ундан камолотни қандай талаб қилиш мумкин? Интернет тармоғи орқали биз учун керакли минглаб ахборотларни маълум дақиқа ичида қўлга киритамиз, лекин ёшларимиз шу тармоққа фақат керакли ишлар учун мурожаат этишаяптими? Кўл телефони ҳозирги кунда энг яқин ёрдамчимиз, лекин унинг ҳаддан ортиқ кераксиз ўринда ишлатилиши ҳам моддий ҳам маънавий зарар эмасми?!

Фикримнинг охирида шоир А.Ориповнинг шундай мисраларини эслатиб ўтмоқчиман:

Мукаммал кўрмоқчи бўлдик дунёни,
Комил бўлодликми ўзимиз бироқ,
О, йиллар армони, йиллар армони,
Армон тополмадим сиздан буюкроқ.

Шоир айтмоқчи бўлган гоя, дунёдан, одамлардан мудом мукаммалликни қидирган инсон, энг аввало, ўзи камолотга етган бўлиши керак. Мана шу камолотга эришиш учун умр номли бир неъмат берилганки, у йиллардан иборат. Бу муҳлат ичида эзгулик қилишга улгурмаган инсон фақат армонда қолиши мумкин, холос. Хулоса қилиб қуидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдик:

- Баркамол авлод тарбиясида моддийлик ва маънавийликка уйғун амал қилиш улғайиб келаётган авлод камолотига ижобий таъсир қўрсатади;
- Файласуф Ламетри таъкидлаган инсон фикрлайдиган, яхшилик ва ёмонликни фарқлай оладиган мавжудод экан, унинг машинадан фарқи мана шу ҳиссиётни бошқариш қобилиятига маҳсус эътибор бериш лозим;

- Профессор О.Файзуллаев талқинидаги зарурий ва заарли нафс олдидағи танлов инсон камолотига ёхуд тубанникка тушишига хизмат қилиши мүмкін бўлган мезонлардир. Шунинг учун нафс ва қалб тарбиясига маҳсус эътибор зарур.

Таълим ва тарбия жараёнини давр талаблари асосида ташкил этиб, мустақиллик тафаккурини халқимиз, миллатимизнинг буюк эътиқодига айлантириш жараёнини устивор вазифа бўлишига эришиши шарт.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” 2014.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак// “Халқ сўзи”. 2017 йил 15 январь.
3. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маъruzаси. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг расмий сайти.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъruzаси. “Халқ сўзи”, 2016 йил 8 декабрь.
5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан қурамиз. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. “Халқ сўзи”. 2016 йил 15 декабр.
6. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январ ойида бўлиб ўтган “Мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда республика ҳукуматининг 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастури энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини

белгилашга бағишлиланган мажлисида сўзлаган нутқи// “Халқ сўзи”. 2017 йил 16 январь.

7. Мирзиёев Ш.М.Илм фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили // “Халқ сўзи”. 2016 йил 31 декабрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 5 январ куни соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гурӯҳ етакчи мутахассислари билан учрашувидаги нутқидан. Манба <http://aza.uz>.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Республика байналминал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишлиланган учрашувидаги нутқи// “Халқ сўзи”. 2017 йил 25 январь.
- 10.Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда.
- 11.Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: Ўзбекистон, 1994. – Б 283.
- 12.Каримов И.А Ўзбекистон келажаги буюк давлат// Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б 364.
- 13.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. - Т.: «Ўзбекистон», 2000. - Б. 87.
- 14.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлашириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишдир. Т.:Ўзбекистон, 2005. - Б 35.
- 15.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б 55.
- 16.Каримов И. Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир //«Халқ сўзи», 2010. 30 январ
- 17.Баркамол авлод орзузи. – Т.: «Шарқ», 1999. – Б. 10.

- 18.Давронов З. Илмий ижод методологияси. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. - Б 180.
- 19.Оқмуродов.Т. Дин ва хурфиксрилийк тарихи. Т.: Ўқитувчи, 1995. Б. 148.
- 20.Платон. Сочинения в трех томах. Т. 3. Ч.1. – М.: Мысль, 1971. – С.37.
- 21.Сведенборг Э. О небесах, о мире духов об аде. – Киев, Влдав. Ницто “Украина”, 1993.- С.17.
- 22.Тартаковский М.С. Акмеология. – М.: Редакция международного журнала “Панорама”, 1992.
- 23.Файзуллаев Омонулла. Нафс балоси. Ўзбекистон овози газетаси, 2003, 9 сентябрь, Б.2.
- 24.Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт. Махмуд Ҳасаний таржимаси. Т.: 2004. – Б. 297.
- 25.Хожагий Аҳмад Косоний. Асрору-н-никоҳ. Қўлёзма. Ўз.Р.Ф.А. Шарқшунослик институти. № 501/ I.10.в.
- 26.Хожа Ахрор. Фикроти Ахрорийя. Табаррук рисолалар.М.Ҳасаний ва Баҳриддин Умурзоқ таржимаси. Т.: Адолат, 2004. Б. 58.
- 27.Хожа Ахрор. Фикроти Ахрорийя. Табаррук рисолалар.М.Ҳасаний ва Баҳриддин Умурзоқ таржимаси. 2004. - Б. 59.
28. Хожа Ахрор. Фикроти Ахрорийя. Табаррук рисолалар.М.Ҳасаний ва Баҳриддин Умурзоқ таржимаси. 2004. - Б. 62.
- 29.Хожа Ахрор. Фикроти Ахрорийя. Табаррук рисолалар.Б. 60.
- 30.Хожа Убайдуллоҳ Ахрор. Фикроти Ахрорийя. /Табаррук рисолалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умурзоқ, Ҳ.Амин. Т.: Адолат, 2004. – Б .80.
- 31.Шер Абдулла. Ахлоқшунослик. – Тошкент: ЎАЖБНТ Маркази, 2003. – Б. 240-241.
- 32.Энтони Гидденс. Социология. Т. , 2002. - Б.475.

- 33.Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. - Б. 35.
- 34.Ўзбек халқ мақоллари. – Т.: “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 1989. – Б 89.
- 35.Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романига ишора.
- 36.Ғарб фалсафаси. Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров., Тошкент, 2004.
– Б. 404.
- 37.Ҳақиқат манзаралари: 96 мумтоз файласуф (тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар). -Т.: «Янги аср авлоди», 2002. - Б. 252.